

6
**КУЧ - БИЛИМ
 ВА ТАФАККУРДА**



16
**ХАР КИМКИ
 ЁМОН БЎЛСА...**
 ИИВ Матбуот
 маркази хабарлари.



**МАҚСАДИМИЗ - ЭЛГА
 ХИЗМАТ ҚИЛДИШ**



17

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!



POSTDA

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ
 12 МАЙДАН ЧИКА БОШЛАГАН

• Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2006 йил 16 сентябр, шанба • 37 (3671)-сон

Халқимиз меҳнатқаш, меҳнатга ижодий ёндошадиган, тadbиркор ва бунёдкор халқ. Унга имконият керак, холос.

Бу — масаланинг биринчи томони. Иккинчи томони — ҳуқуқий кафолат. Айни пайтда мамлакатимизда ана шу иккинчи жиҳатнинг асоси яратилган. Меҳнат қиламан, ишлайман, интиламан, бунёд этаман деган кишига ҳар томонлама ҳуқуқий кафолат берилган.

Ислом КАРИМОВ.

ИИВ ҲАЙЪАТИ МАЖЛИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида навбатдаги Ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Уни республика Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлюбов олиб борди.

Йиғилишда даставвал «Пахта — 2006» мавсумига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида жамоат тартибини сақлаш, ёнғин ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича ички ишлар идоралари томонидан амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар муҳокама қилинди. Сўнгра мамлакатимизга спиртли ичимликлар ва алкоғолли маҳсулотларнинг ноқонуний йўл билан олиб кирилиши, ишлаб чиқарилиши ва айланишига қарши кураш борасидаги ишлар таҳлил этилди. Шунингдек, ички ишлар идоралари ходимлари саломатлигининг аҳволи, уларни тиббий кўрикдан ўтказиш масалалари муҳокама қилинди.

Кўрилган масалалар юзасидан қатор вилоятлар ИИБлари ва тегишли соҳавий хизматлар бошлиқларининг ахборотлари тингланди.

Ҳайъат мажлисида республика ИИВ Бош бошқармалари, бошқармалари, мустақил бўлимлари ҳамда жойлардаги ИИБлар раҳбарлари иштирок этишди.

Муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз.



**ПАХТА —
 ХАЛҚ БОЙЛИГИ**




POSTDA-TV



**МУНАЖЖИМЛАР
 БАШОРАТИ**
 Келгуси ҳафта учун

МАВСУМ МАСЪУЛИЯТИ

Пахта мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини оширишда муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган хом ашё ҳисобланади. Бободехқонларимиз жорий йилда 1 млн. 438 минг 800 гектар майдонга пахта экиб, 3 млн 817 минг тонна ҳосил олишни режалаштиришган.



Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг барча минтақаларида пахта ҳосилини уюшқоқлик билан йиғиб-териб олишга киришилди.

Етиштирилган ҳосилни қисқа фурсатларда нест-нобуд қилмай йиғиб олингани таъминлаш мақсадида, 2006 йил 14 август куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2006 йил пахта хом ашёсини ўз вақтида ва сифатли қилиб териб олишни таъминлаш ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори эълон қилиниб, унда тегишли вазирликлар, кўмиталар ва бошқа мутасадди ташкилотлар олдида аниқ вазифалар қўйилди.

Республика ИИВ ва унинг қуйи тизимлари томонидан мазкур қарор талаблари ижросини бажариш, мавсум давомида жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, пахта хом ашёсининг талон-тарож қилиниши, ноқонуний равишда четга олиб чиқиб кетилишига йўл қўймаслик, ҳашарчи ва меҳнаткашларнинг ишлаш ва дам олишлари учун барча зарурий шароитларни яратиш борасида бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг 18 август куни ИИВнинг ташкилий ва амалий чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Унга кўра вазирлик, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ ва вилоятлар ИИБларида тезкор штаб ва ишчи гуруҳлар ташкил этилиб, уларнинг узлуксиз навбатчилиги йўлга қўйилди.

Мавсум мобайнида белгиланган вазифаларни амалга ошириш ва назорат қилишда ҳудудий ички ишлар идо-

раларига амалий ёрдам кўрсатиш учун Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларга ИИВ соҳавий хизматларидан ходимлар бириктирилиб, хизмат сафарларига юборилди.

Айни кунларда ички ишлар идоралари томонидан кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда чегара ҳудудларида профилактик тадбирларга алоҳида эътибор қара-

томонидан олиб борилган тезкор тадбир натижасида Косонсой тумани, Ширин ҚФЙ, Чунгбош маҳалласида яшовчи, 1965 йилда туғилган Сотиболдиев Қодирал «Азамат шоҳ оқ олтин» фермер хўжалигига тегишли Т – 40 русумли, давлат рақами 06-07 ЕР бўлган тракторда, 1965 йилда туғилган Абдураззоқов Абдуносир билан ўзаро жиний тил бириктириб, 2205 кг пахтани Қирғизистон Республикаси Жалолобод вилояти Олабуқа туманида яшовчи «Қозоқ» лақабли шахса сотиш мақсадида божхона назоратини четлаб ўтиб, айланма йўллар орқали Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиб кетишаётганда ушланган.

Ушбу ҳолатлар бўйича жиний ишлари кўзғатилган ва тергов ишлари олиб борилмоқда.

наларига ташилишида уларнинг созлиги, айниқса, муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли жойларда қишлоқ хўжалиги техника ва механизмларининг тайёргарлик даражаси чуқур ўрганиб чиқилди. Ўрганишлар давомида бир қатор камчиликлар аниқланиб, уларни бартараф этиш юзасидан тегишли ҳокимлик ва идораларга тақдимномалар киритилди.

Пахта далаларига туташувчи йўллар, улардаги сунъий иншоотлар ва темир йўл кесимчаларининг ҳолати кўриқдан ўтказилди. Маълум бўлган камчиликлар бартараф этилди.

Ҳозирги кунга қадар ёнғин хавфсизлиги хизматлари томонидан бино, цех ва омборхоналарга ёнғинни зудликда сезувчи ва хабар берувчи мосламалар ўрнатилишига,

борлиги аниқланди. Ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузган ёки уларни бажармаётган раҳбар, жавобгар шахс, ишчи ва хизматчиларга тегишли чоралар кўрилди.

Пахта йиғим-терим мавсумида ҳашарчилар жойлаштирилиши режалаштирилаётган объектлар рўйхатга олинди, уларнинг ёнғинга қарши ҳолати тўлиқ ва мониторинг тариқасида текшириб чиқилди. Аниқланган камчиликлар юзасидан вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликларига ахборотномалар, юқори ташкилотларга эса тақдимномалар киритилди.

Пахта теримига жалб этилган куч ва воситаларни марказлашган ҳолда бошқариш, кунлик маълумотларни жамлаш, умумлаштириш ва ўз вақтида ИИВ «Пахта - 2006» тезкор штабига тақдим этилишини таъминлаш мақсадида Жиззах вилоятида 9та, 1та ИИВ бирлашган штаби ҳамда 8 та тезкор штаблар ташкил этилди.

Мамлакатимиз Президентининг юқорида қайд этилган қарор ҳамда фармойишлари талаблари ижросини тўлиқ таъминлаш, 2006 йилги пахта ҳосилини уюшқоқлик билан йиғиб-териб олиш даврида жамоат тартибини сақлаш, ёнғин ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, ўғрилик, талон-тарожликка йўл қўймаслик, ноқонуний равишда четга олиб чиқиб кетилишининг олдини олиш юзасидан белгиланган вазифаларни тўлиқ бажариш учун Ички ишлар вазирлиги ҳамда унинг қуйи тизимларида барча имкониятлар мавжуд.

Ички ишлар идораларининг барча раҳбарларидан тортиб, оддий ходимларигача ИИВ раҳбариятининг тегишли буйруқ, фармойиш ва режаларида белгиланган вазифаларга сидқидилдан ёндашиб, олдимизга қўйилган вазифалар тўлиқ бажарилишига эришамиз деб ишонч билдирамиз.

А. КҮЛДОШЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазири ўринбосари,
полковник.



тилмоқда. Шулар натижасида ҳозирга қадар пахта хом ашёсини республикаимиз ҳудудидан четга олиб чиқишга уриниш билан боғлиқ бўлган 20 та ҳолат аниқланиб, 5 тоннага яқин пахта хом ашёси ушлаб қолинди. Мисол учун, 2006 йил 8 сентябрь куни Наманган вилояти ИИВ ва МХХ ходимлари

Маълумки, йиғим-теримга жалб этилган техника ва механизмларнинг созлигини таъминлаш асосий вазифалардан биридир. Чунки ҳосилни тез ва қисқа муддатларда териб олиш, далалардан пахта қабул қилиш, тозалаш, қайта ишлаш корхо-

ёнғин ўчириш жиҳозлари, мотопомпа ва насослар билан тўлиқ таъминланиб, жанговар шай ҳолатга келтирилишига эришилди. Ўтказилган текширувлар давомида ёнғин чиқиш хавфи мавжуд бўлган 136 та корхона, бино, цех ва омборхоналар



ҚАРОР ВА ИЖРО

МУСТАҲКАМ

ТУСНИК ҚЎЙИЛГАН

Мамлакатимизда мустақиллик шарофати билан тадбиркорликка кенг йўл очилди. Жуда кўп ишбилармонлар қонуний йўл билан хорижий давлатларга бориб, шартномалар тузиб, ҳамкорлик қилиб келишмоқда. Ўз навбатида тадбиркорларимиз ҳам мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни чет элик шерикларига етказиб беришяпти. Ана шундай имконият яратилган бўлса-да, афсуски, қонунга чап берувчи сохта тадбиркорлар ҳам учраб турибди. Ўз жиғилдонини ўйлаб, сифати кафолатланмаган чет эл маҳсулотларини юртимизга олиб киришга уринган шахсларнинг кирдикорларига барҳам бериш мақсадида, республика Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 майдаги Қарорига биноан талайгина ишлар қилинмоқда.

— Қарор талаблари ижросини таъминлаш, қўшни давлатлардан мамлакатимизга ноқонуний равишда товар-моддий бойликларнинг олиб кирилиши ҳамда сотилишининг олдини олиш мақсадида республика Ички ишлар вазирлиги ва унинг қуйи тизимлари томонидан ҳудудий ҳокимликлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан ҳамкорликда бир қатор тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда, — дейди республика ИИБ ППХ ва ЖТСББ бошлигининг биринчи ўринбосари, полковник Р. Аширматов. — Жумладан, қўшни давлатлар билан чегарадош ҳудудларда ИПХ масканлари, мунтазам постлар ташкил этилиб, уларга ички ишлар идоралари соҳавий хизматларининг ҳаракатдаги қўшма гуруҳлари жалб қилинган. Шунингдек, чегара ҳудудларида жойлашган маҳалла, қишлоқ, корхона ва ташкилотларда ички ишлар, маҳаллий ҳокимият, ўз-ўзини бо-

шқариш ва солиқ идоралари, «Чегара» ва «Маҳалла» посбонларидан иборат текширув гуруҳлари ёрдамида товар-моддий бойликларнинг ноқонуний йўллар билан қўшни давлатлардан олиб кирилишининг олдини олиш борасида мунтазам рейдлар ўтказилаяпти.

Жорий йил бошидан шу кунга қадар жойлардаги чегара ҳудудларда ташкил этилган тунги ва кундузги постлар ҳамда ҳаракатдаги гуруҳлар билан ҳамкорликда олиб борилган тадбирлар давомида республикаимизга ноқонуний равишда товар-моддий бойликларни олиб кириш, сақлаш ва сотиш билан боғлиқ 6777 та ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланиб, ҳуқуқбузарлардан 2 млрд 110 млн 521 минг сўмликдан ортиқ маҳсулотлар олинди. Мазкур ҳолатлар юзасидан 599 та жиноят ишлари қўзғатилиб, 666 нафар шахс жиноий жавобгарликка тортилди. Масалан, шу йил 7 сентябрь куни пойтахт вилоятининг Тошкент тумани Чимкент йўли кўчасида Қибрай туманида яшовчи А. Ҳикматилла ўзининг «ЗИЛ-130» русумли юк машинасида хорижда ишлаб чиқарилган 12 млн сўмлик газламаларни Қозоғистон Республикасидан ноқонуний йўл билан олиб келаётган вақтида ушланди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор-профилактик тадбирлар чоғида айланма йўллар

орқали қўшни давлатларга фуқароларни қонунга зид равишда ўтказиш, товар-моддий бойликларни юртимизга олиб кириш билан шуғулланувчи шахслар, маҳсулотлар сақланаётган хонадонлар аниқланиб, 175 млн 248 минг сўмликдан ортиқ товарлар олинди ва хонадон эгаларига нисбатан қонуний чоралар кўрилди.

Фарғона вилояти Олтиариқ тумани ИИБ, туман прокуратураси, давлат солиқ инспекцияси ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари иштирокида ўтказилган тадбирда Й. Охунбобоев кўчасида яшовчи Т. Тожихоннинг хонадони кўздан кечирилганда, ҳеч қандай ҳужжати бўлмаган, Хитойда ишлаб чиқарилган 24 млн сўмликдан ортиқ оргтехника маҳсулотлари сақланаётгани аниқланди.

Қарор талаблари моҳиятини аҳоли ҳамда яқка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланувчи фуқароларга етказиш мақсадида жойлардаги ҳокимликлар, ўзини-ўзи бошқариш идоралар ва бошқа мутасадди идоралари вакиллари билан биргаликда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда, оммавий ахборот воситалари орқали чиқишлар қилинаёпти.

Айни пайтда республика ички ишлар идоралари томонидан қарор ижросини таъминлаш борасидаги ишлар давом эттирилмоқда.

Қобилжон ШОКИРОВ.

ЯНГИЧА РУҲ, ЯНГИЧА ҒАЙРАТ БИЛАН

Истиқлол туфайли республикамизнинг барча соҳаларида ижобий ўзгаришлар юз бермоқда. Жумладан, ички ишлар идораларида ўтказилаётган ислохотлар йўл ҳаракати хавфсизлиги тизими фаолиятида ҳам янги даврни бошлаб берди, десак муболаға бўлмайдди. Аввалги даврдан фарқли ўлароқ, ҳозирги кунда Фарғона вилояти ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги тизимида эришилаётган муваффақиятларга аввало, ходимларнинг ўз вазифаларига сидқидилдан ёндашгани, қолаверса, моддий-техникавий таъминотининг мустаҳкамлиги асос бўлаётди. Республика раҳбариятининг бевосита хайрихоҳлиги туфайли ИХХБ тизими энг замонавий техникалар билан таъминланди. Шу кунларда ўнлаб «Магнус», «Ласетти», «Нексия», «Тико», «Дамас» каби хизмат анжомлари билан жиҳозланган за-

монавий автомашиналар вилоятда барқарор вазиятни таъминлаш борасидаги тадбирларнинг муваффақиятли ўтишида муҳим омил бўлмоқда. Барча хизмат хоналари замонавий компьютер техникалари билан таъминланганлиги, янги типдаги алоқа воситалари, мунтазам ИПХ масканларида компьютерлашган видеокузатув марказларининг ташкил этилганлиги ва бошқа қулайликлар туфайли фаолиятимиз мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаги аҳвол билан таққослаб бўлмас даражада такомиллашиб бормоқда. Соҳанинг моддий-техника таъминотини мустаҳкамлаш баробарида энг долзарб масалалардан ҳисобланган шахсий таркибининг сифат даражасини яхшилашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада яқинда ходимларни навбатдан ташқари шаҳодатдан ўтказилган

ни диққатга сазовордир. ИХХБ тизимлари давр талабига жавоб берадиган, бўйи 180 сантиметрдан паст бўлмаган, жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук, ёш ходимлар ҳисобига тўлдирилмоқда. Фарғона кўчаларида бўй-басти келишган, ҳар жиҳатдан фуқароларда ҳавас уйғотадиган ИПХ инспекторлари янги руҳ, янги ғайрат-шижоат билан хизмат олиб боришяпти. Ходимларнинг ҳуқуқий маданияти, маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий билимларини ошириш, хизмат жараёнида фуқаролар билан муомала қилиш маданиятини юксалтириш мақсадида мунтазам ўқув машғулотлари ҳамда тарбиявий-профилактик тадбирлар ўтказиб борилмоқда. Ҳар кунги йўриқнома пайтида ходимларнинг кундалиқ фаолияти таҳлил қилиниб, йўл қўйилган камчиликлар му-

ҳокама қилиб бориляпти. Шу ўринда яна бир нарсани айтиб ўтиш зарур. Вилоят ҳудудида ўтказилаётган «Тозалаш», «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги», «Йўл қондаси — умр фойдаси», «Диққат, таътил», «Диққат, болалар» каби тадбирлар тобора оммавий тус олиб, ҳаракат иштирокчилари билан ИПХ ходимлари ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда. Фаолиятимизни янада яхшилаш учун барча шароитлар мавжуд. Фақат ишлаш керак. Сафларимиз элим деб, юртим деб, ёниб яшайдиган, ёш, интилувчан ходимлар ҳисобига мустаҳкамланиб бормоқда. Бундай ҳамжиҳат жамоа билан Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, фуқароларимиз хавфсизлигини таъминлаш йўлида ҳар қандай машаққатни енгишга, белгиланган вазифаларни бажаришга қодирмиз.

Б. ИСРОИЛОВ,
Фарғона вилояти ИИБ
ИХХБ бошлиги,
подполковник.

Халқ осойишталигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, фуқароларнинг паспорт тизими қондаларига риоя этилишини доимий назорат қилиш ички ишлар ходимларининг асосий вазифаларидан биридир. Буни яхши англаган Боғот тумани ИИБ паспорт бўлими ходимлари маҳаллаларда фуқаролар йиғинлари раислари, фаоллар ва кенг жамоатчилик иштирокида учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказишяпти. Ушбу тадбирларда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, иш билан бандлик, паспорт тартиботи қондаларига риоя этилиши атрофида муҳокама қилинмоқда. Бу борада учраётган муаммоларни зудлик билан ҳал этиш мақсадида тегишли ташкилотларга тақдимномалар юборилаяпти.

ПАСПОРТ ТАРТИБОТИ — ҲАЁТ ЗАРУРАТИ

Хайрли ишлардан яна бири шундан иборатки, жойларда миллий паспортимиз тантанали равишда топшириляпти. Шу кунгача тумандаги Деҳқонобод, Бешариқ, Қулонқорабоғ, Найман каби қишлоқлар ҳудудидаги милиция таянч пунктларида аҳолига хизмат кўрсатиш ишлари йўлга қўйилди. Шунингдек, 22 та ўқув муассасаларида ана шундай тадбирлар ўтказилиб, 2028 нафар ўқувчига тантанали равишда Ўзбекистон Республикаси паспорти берилди.

— Белгиланган иш режасига асосан, туманимиз ҳудудидаги корхона ва ташкилотлар ишчи-хизматчилари паспорт тартиботига қандай амал қилинаётгани текшириб чиқилди, — дейди туман ИИБ паспорт бўлими бошлиғи, капта лейтенант Руслан Матёкубов. — Аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланди. Шунингдек, қишлоқлар ҳудудида ўтказилган тадбирлар давомида 703 нафар фуқаро паспорт тизими қондаларига риоя этмаётгани маълум бўлиб, маъмурий тартибда жавобгарликка тортилди. Айни пайтда бошқа хизматлар билан ҳамкорликда белгиланган тадбирлар давом этмоқда.

Хуллас, ходимлар фуқароларга паспорт бериш билан бирга туман ҳудудида осойишталикни таъминлашда муносиб ҳисса қўниш учун аҳлиликда иш кўришмоқда. Бу эса ҳар қандай муаммо ечимини осонгина ҳал бўлишида қўл келаяпти.

Худойберган ЖАББОРОВ.

ПАХТАКОРЛАР БИЛАН ЁНМА-ЁН

Навий вилоятида бу йил 39.400 гектар ерга чигит қадалди. Эрта кўкламдан эзгуният билан қилинган меҳнат ўз самарасини берди. Бугун она замин саҳоватини кўриб кўз қувнайди. Бодроқдек очилган оппоқ, лўппи чаноқлар теримга чорламоқда.

— Ҳосил чўғи баланд, — дейди вилоят ИИБ бошлигининг ўринбосари, полковник А. Шакаров. — Деҳқонларимизнинг қалб кўри, пешона тери эвазига етиштирилган ҳосилни қисқа фурсатда, нобудгарчиликсиз йиғиб-териб олиш зиммамизга катта масъулият юклайди. Мавсум олдида бажарилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди. Пахта ташиладиган йўллар, хир-

монжойлар, ҳашарчиларга мўлжалланган ётоқхоналар ҳолати кўриқдан ўтказилиб, мавсумга шай қилиб қўйилди. Йиғим-терим даврида ёнгин ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, содир этилиши мумкин бўлган турли нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида зарур чоралар кўрилди. Ходимларимиз мавсум масъулиятини юракдан

ҳис этган ҳолда айна долзарб дамларда пахтакорларга яқиндан ёрдам беришмоқда.


Дарҳақиқат, бугун ички ишлар идоралари ходимларини пахтакорлар билан ёнма-ён учратишингиз табиий. Улар ҳосилни йиғиб-териб олиб, қабул пунктларига етказиб беришгача бўлган барча жараёнда фаол иштирок этишмоқда.

— Мавсумга 350 нафардан ортиқ ходимлар жалб қилинган, — дейди бошқарма қошида ташкил этилган «Пахта — 2006» тезкор штаби ишчи гуруҳи раҳбари, капитан Ҳ. Абдухолиқов. — Айна вақтда Қизилтепа, Хатирчи ва Кони-мех туманларида терим суръати қизгин. Далаларда теримчилар жавлон уришмоқда. Ҳашар-

чилар учун 42 та ётоқхона ташкил этилган. Бу масканларда зарур шарт-шароитларни муҳайё этиш, имкон даражасида қулайликлар яратиш мақсадида туман ҳокимликларининг масъул ходимлари барча имкониятларни ишга солишяпти.

Ҳа, пахтакорларимиз учун галвирни сувдан кўтарадиган масъулиятли давр кечмоқда. Машаққатли меҳнат эвазига етиштирилган хом ашёни қулай об-ҳаво шароитидан унумли фойдаланиб, тезу соз йиғиштириб олиш бугунги сазй-ҳаракатимиз, меҳнат ва шижоатимизга боғлиқ. Кун сайин кўкка бўй чўзаётган оқ олтин хирмони юксалаверсин.

Нигора РАҲИМОВА,
майор.



Қашқадарё вилояти пахтакорларининг машаққатли меҳнатлари эвазига 172 минг 800 гектар майдонда етиштирилган ҳосилни нобуд қилмай йиғиб-териб олиш учун вилоят ИИБ ходимлари томонидан қатор тadbирлар ишлаб чиқилган. Ички ишлар бошқармасида «Пахта — 2006» тезкор штаби фаолият кўрсатмоқда. Бошқарманинг ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари вилоятдаги мавжуд барча пахта қабул қилиш пунктларида бирламчи ўт ўчириш мосламалари, сув насосларининг созлиги, ишчи-хизматчиларнинг ёнгин хавфсизлиги қондаларига риоя қилишларини назоратдан ўтказишди.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан эса мавсумга жалб этилган транспорт воситалари, пахта териш машиналарининг техник ҳолати назоратдан ўтказилди. Пахта ҳосилини ташини йўналишлари аниқ белгила-ниб, йўлларда ҳашарчилар ва барча йўловчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш чоралари кўрилди. Бундан ташқари, профилактика инспекторлари ҳам ҳашарчилар яшаш жойларида, далаларда бўлишиб, хавфсизлик мавзuida суҳбатлар, тушунтириш ишлари олиб боришяпти.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, чегаралош ҳудудларда пахта хомашёсини ноқонуний равишда олиб ўтиш ҳолатларининг олдини олиш, талон-торожликка йўл қўймаслик мақсадида назорат масканлари ташкил этилди.

Сирдарё вилоятида 2006 йил пахта йиғим-теримини уюшқоқлик билан ўтказиш юзасидан ишлар бошлаб юборилди. Жумладан, бебаҳо хомашёни йиғиб олишни ёнгин-сочинга қолдирмай тугаллаш, теримчи ва ҳашарчиларни янада кўпроқ жалб қилиш, вилоятнинг чегара ҳудудларида хизматни кумайтириш, юртимиз бойлиги ҳисобланган пахтани четга олиб чиқиб кетилишига йўл қўймаслик, фермер хўжалиқларидаги мавжуд техник воситаларни теримга тайёрлаш, ёнгин хавфсизлигининг олдини олиш борасида зарур тadbирлар амалга оширилмоқда. Бу борада Сирдарё туманида ибратли

ишлар қилиняпти.

Тadbир давомида қишлоқ ва аҳоли пунктларидаги техника воситалари юк ва одам ташувчи автомобиллар, трактор, тиркамалар, мотоцикл ва от аравалар ҳам қатъий ҳисобга олинди. Йиғим-терим даврида йўл-транспорт ҳодисаларининг рўй бермаслиги учун ҳаракат хавфсизлиги юзасидан профилактик ишлар ўтказилиб, барча техник воситалар қайта кўриқдан ўтказилиб, тунги ёритиш мосламалари билан жиҳозланди. Мавсумда иштирок этадиган барча ички ишлар ходимлари зарур кўрсатмалар олдилар.

Ш. ХУШМУРОДОВ,
майор.



Суратлар Сурхондарё вилояти пахта далаларидан олинган.



Баъзи фуқароларимизнинг ножўя хатти-ҳаракатлари ҳар қандай одамни газаблантиради. Турлан тумани «Совунчилар» маҳалласида яшовчи Жамила Холиқованинг қизи Роза фермер Шухрат Жуманиёзовнинг даласидан икки килограммга яқин кўсақни узиб кетайётганида ички ишлар ходимлари томонидан тўхтатилди. Туман судининг қарорига кўра Ж. Холиқова жаримага тортилди.

Хива тумани Янгибод кўргонида яшовчи Оллоёр Раҳимовнинг 5 бош қорамоли «Раҳим Эшжон» фермер хўжалиги даласидаги 112 квадрат метр пахта майдонини пайҳон қилди. Шу тумандаги Огаҳий фермерлар уюшмасида яшовчи Ҳайитбой Камоловнинг бир бош қорамоли «Учқун» фермер хўжалигига қаршли экин майдонида ўтлаб юргани аниқланди. Ушбу ҳолатлар юзасидан тўпланган ҳужжатлар чора

кўриш учун туман судига тақдим этилди.

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун ички ишлар ходимлари томонидан қатор тadbирлар кўрилмақда. Хусусан, Урганч тумани «Чоткўпир» қишлоғи «Усталар» маҳалласида яшовчи Каримбой Ражабовнинг 6 бош, Йўлдош Мамараимовнинг 5 бош, Куронбой Бобоқоновнинг 3 бош, Анор Отажоновнинг 4 бош, Гулхоним Дўстжонованинг 3 бош, Курамбой Абдираимов-

нинг 4 бош қорамоли қаровсиз қолиши натижасида «Зот Элита» фермер хўжалигидаги пахтазорни пайҳон қилиб, 1 миллион 350 минг сўмлик зарар етказди. «Чоткўпир» қишлоқ фуқаролар йиғини қарори билан беш бош қорамол сўйилиб, гўшти тумандаги «Гунча», «Гулшан» болалар боғчалари, Урганч туманидаги «Койнот» болалар оромгоҳи, Хивадаги 20-Меҳрибонлик уйи болаларига тарқатилди.

«Юқори боғ» қишлоғи «Оқ олтин» фермерлар уюшмаси 7-бўлимида яшовчи Бекназар Эгамовнинг невараси Жасур уч бош кўйни пахта даласида боқиб юргани аниқланди. Фуқаролар йиғинининг қарори билан кўйлар сўйилиб, кам таъминланган оилаларга тарқатилди.

Янгибозор туманидаги «Алишер-Хулқар» фермер хўжалиги раҳбари Бекнўлат Ёқубовга қарашли пахтазорда ҳам пайҳонгарчиликка йўл қўйилди. Шу

қишлоқнинг Ҳамид Олимжон номидаги маҳалласида истиқомат қилувчи Маҳкам Тиламuroдовнинг бир бош қорамоли қишлоқ фуқаролар йиғини раисининг қарорига биноан сўйилиб, гўшти болалар боғчасига берилди.

Ҳукуматимизнинг қишлоқ хўжалиги, айниқса, фермерчиликни ривожлантиришга қаратилган қарорларидан бир нарсани уқиб олиш қийин эмас. Ер ҳақиқий эгаларига топширилмоқда. Ўтган йилги натижалар шуни кўрсатдики, Хоразм вилоятида қоқоқ фермерлар сони йилдан-йилга камайиб бормоқда. Демак, пахта хирмони янада юксакликка кўтарилади. Шундай экан, ҳосил тақдири учун нафақат ички ишлар ходимлари ва фермерлар, балки кенг жамоатчилик ҳам қайгурса мақсадга мувофиқ бўларди.

М. АБДУЛЛАЕВ,
майор.

ҲАММА НАРСА ЭЪТИБОРДА

Профилактика хизматида ҳеч бир нарсани эътиборсиз қолдириб бўлмайди. Бемаҳалда тенгираб юрган кишими, ярим кечагача давом этадиган зиёфатми ёки қаровсиз қолдирилган мулкми, ҳамма-ҳаммаси профилактика инспекторининг назаридан четда қолмаслиги лозим. Акс ҳолда қандайдир кўнгилсизлик, ҳуқуқбузарлик содир этилиши мумкин.

Китоб тумани асосан тоғли ҳудуддан иборат. Бу ерда ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг олдини олиш, аҳоли осойишталигини таъминлаш муҳим вазифа эканлигини ҳар бир ички ишлар ходими чуқур англаб етган.

— Барча профилактика инспекторлари зиммасига бир қанча талаблар қўйилган, — дейди туман ИИБ бошлиғи, подполковник Муҳаммад Раҳматов. — Қайси жойда профилактика инспектори ўз вазифасига совуққонлик билан ёндашар экан, ўша ерда ҳуқуқбузарлик, жиноятга йўл очилади. Шунинг учун жойлардаги милиция таянч пунктлари фаолиятига алоҳида эътибор қаратилган. Натижада ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар тобора камайиб бормоқда.

Жойларда олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида тумандаги 213-милиция таянч пунктга ташриф буюрдик. Бу ерда фаолият кўрсатаётган профилактика инспекторлари 20 мингдан ортиқ аҳоли, ўнлаб қишлоқ ҳамда овулларнинг хавфсизлиги ва осойишталигини таъминлаб келишмоқда.

Профилактика инспектори, капитан Комилжон Дўстов узок вақтдан буён соҳада хизмат қилаётти. Отаси Халил ака ҳам ички ишлар бўлимида кўп йиллар ишлаган, ҳозирда кексалик гаштини сурмоқда.

— Биз асосий эътиборни жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, содир этилганларини қисқа фурсатда фош этишга қаратганмиз, — дейди капитан К. Дўстов. — Бунда «Куёқбой» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси М. Хуррамова, маҳалла оқсоқоли Н. Ботирова, маҳалла посбони Х. Мамамов ва фаоллар яқиндан ёрдам беришмоқда. Кези келганда шунинг айтиш жоизки, ҳамкорлик сабабли ҳудудда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар анча камайди. Шунингдек, профилактик ҳисобда турувчи, жиноятга мойил шахслар, муқаллам судланганлар, нотинч оилалар билан мунтазам тушунтириш ишлари олиб борилапти.

Булардан ташқари, профилактика инспекторларининг амалий ёрдамлари туфайли А. Насриддин, М. Маҳмуд, Р. Авлоқуллар тўғри йўлга тушиб, ҳаётда ўз ўринларини топиб олишди. Оиласи ва фарзанди тақдирга бефарқ бўлган, бир нечта фуқаронинг уйига ўғирликка тушган Т. Фурқатга лейтенант А. Раупов жамоатчилик вакиллари билан биргаликда тегишли чораларни белгилади.

Кўриниб турибдики, Китоб туманида тинчлик-осойишталик, эл-юрт фаровонлиги йўлида фидойилик кўрсатаётган ички ишлар ходимлари талайгина.

Сафарали ОМОНТУРДИЕВ.

Дунёда туғилган инсон борки, униб-ўсиб, бир кун келиб, бу фоний дунёни тарк этиши инкор қилиб бўлмайдиган ҳақиқат. Халққа, жамиятга фойдаси теккан кишилар номи ҳеч қачон унутилмайди. Ана шундай инсонлардан бири узок йиллар Косон туманида профилактика инспектори бўлиб фаолият кўрсатган Қурбонмурод Хусеновдир.

ПОДПОЛКОВНИКНИ ЭСЛАБ

Қалбида осойишталик посбонлари сафида хизмат қилиш иштиёқи туғилган ёш ўқитувчи 1976 йилда Косон туман ички ишлар бўлими профилактика инспектори вазифасига қабул қилинди. Туман марказидаги деҳқон бозорига тартиб-интизомни сақлаш, осойишталикни таъминлаш, ёш инспекторга ишониб топширилди. Ўша пайтларда бозор ҳудуди гавжум жой бўлиб, инспектордан доимий хушёрлик ва

сергакликни, қатъият билан иш олиб боришни талаб қиларди. Бозордаги ҳуқуқбузарликларнинг олди олиниб, тартибсизликлар барҳам топди. Ўз ишига масъулият билан ёндашган Қ.Хусенов фидойилиги туфайли раҳбарият назарига тушди.

1994 йилга келиб фидойи инспектор ташмачиликлар авжига чиққан «Косонёг» корхонаси ҳудудида хизматини давом эттириб, бу масканда ҳам тартиббузарликларнинг олдини олишга муваффақ бўлди. Қарийб 25 йил аҳоли осойишталиги йўлида хизмат қилган Қурбонмурод Хусенов истеъфога чиққач ҳам тинч ўтирмади. Жонажон қишлоғи маҳалла кўмитасида оқсоқолликка сайланиб, кўчаларни асфальтлаштириш, хонадонларни газлаштиришга бошқош бўлди. Халқ ташвишини ўз ташвиши деб билган бу инсонни қиш-

лоқдошлари «Қатағон» қишлоқ фуқаролар йиғинига раис этиб сайладилар. Бу вазифада ҳам намунали фаолият кўрсатган истеъфодаги подполковник халқнинг меҳрини қозонди. Фидойи инсон 2006 йилнинг 6 мартида бу фоний дунёни тарк этган бўлса-да, унинг эзгу ишлари ҳамон тилга олинади.

Қ. Хусенов 9 нафар фарзандларни яхши тарбиялаб элга қўшди. Бир ўғли Комил Хусенов ота изидан бориб ички ишлар идоралари сафида. У мана бир йилдирки, Муборак туман ички ишлар бўлими ҳузуридаги «Кўриқлаш» бўлимида хизмат ўтамоқда. Содиқ — фермер, Собир — тадбиркор, Ўткир — уста, кенжатоқ Шукур эса ҳуқуқшунослик бўйича таҳсил олмақда.

Қурбонмурод Хусенов бугун орамизда бўлмаса-да, ўзидан яхши ном қолдирди. Кўплаб шоғирлар тайёрлаб соҳани ривожланишига муносиб ҳисса қўшди. Бундай фидойи инсонларнинг ҳаёт йўли эса барчага намуна бўлиб қолажак.

Зиёдулла ХАЛИЛОВ

«БИЗНИНГ ШАРОФ АКА»

«Чўлқувар» маҳалласига сув, электр энергияси, газ ва бошқа коммунал тўловларни ундириш учун ташриф буюрадиган назоратчиларнинг ёнида ҳамisha Шароф акани кўриш мумкин. У кишининг назоратчилар билан ҳамроҳлик қилишига бир сабаб бор. Қарзи кўпайиб қолган оиланинг яшаш шароити маҳалла посбонига маълум. Шу боис, ўртада туриб, муносабатларни имкон қадар икки томон манфаатига мос келтиришга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам Шароф акани маҳалладагилар «Бизнинг Шароф ака» дея эъзозлашади. Мана олти йилдирки, у ҳудудда маҳалла посбони сифатида самарали фаолият кўрсатиб келаёттир. Қарши шаҳридаги аҳолиси тигиз маҳаллалардан бири ҳисобланган мазкур гўша асосан кўп қаватли турар жойлардан иборат. 5900 нафардан зиёд турли миллат вакиллари истиқомат қилади. Шароф ака уларнинг тўю маърақасида ҳамisha бирга. Ҳар қандай муаммо ечимини топишга интилади, маҳаллошларига яқиндан кўмак беради.

Маҳалла ҳудудида мактаб, болалар бoғчалари, савдо шохобчалари, ошхоналар, тунги клублар мавжуд. Шундай экан, маҳалла посбонининг зиммасидаги масъулият катта. Ўзига топширилган юксак ишонччи оқлашга одатланган Ш. Равшанов тиним билмайди. Кундузи фаолларга кўмаклашса, тунги хизматини эл осойишталигига бағишлайди.

— Шароф ака нафақат маҳалла аҳли, бизнинг ҳам яқин маслаҳатчимиз, ёрдамчимиз. Ҳамиша у кишининг кўмагини сезиб тураемиз, — дейди Қарни шаҳар ИИБ 6-милиция таянч пункти профилактика катта инспектори, майор Қўлич Холманов.

Маҳалла посбонидек шарафли вазифани бекаму кўсатмоқда эътибор Шароф Равшановнинг эл назарига тушиши ҳалол меҳнати туфайлидир.

Соҳибжамол АМИНОВА.

Маҳалла — Ватан остонаси дейилади. Ҳар бир маҳаллада тинчлик, осойишталик таъминлансагина юртда хотиржамлик ҳукм суради. Демак, мамлакатдаги осуда турмуш тарзини таъминлашда милиция таянч пунктларининг муносиб улushi бор. Шу боис ҳам жойлардаги ана шундай масканлар билан маҳалла фуқаролар йиғинларининг ҳамкорлиги тобора кенг илдиз отиб бормоқда. Бундан Андижон вилояти Избоскан туманидаги 142-милиция таянч пункти мисолида ҳам кўриш мумкин. Мазкур милиция таянч пункти Турдали Мамажонов номли ҳамда «Бирлашган» маҳаллаларида истиқомат қилувчи етти мингдан зиёд аҳолига хизмат қилади. У зарур техника воситалари, ҳуқуқий билим, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилувчи плакатлар, адабиётлар ва матбуот нашрлари билан таъминланган. Энг муҳими, фуқароларни қабул қилиш учун барча шароитлар яратилган.

Қишлоқ жойларда кичик бизнесни ривожлантириш давр талабидир. Биз ҳикоя қилаётган милиция таянч пунктида ҳам маҳалла фуқаролар йиғини раиси Саминжон Раҳмонов кўмагида мўъжазгина тикувчилик цехи барпо этилган. Унга маҳалладаги 15 нафар хотин-қиз жалб этилган бўлиб, айни кунларда цех фаолиятини кенгайтириш чоралари кўриляпти. Қолаверса, ҳудуддаги ижтимоий фойдали меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини ҳунармандчиликнинг турли йўналишлари-

га жалб этиш борасида ҳам ибратли ишлар қилинмоқда.

Милиция таянч пунктида ҳар бир иш маҳалла аҳли, айниқса оқсоқоллар билан бамаслаҳат амалга оширилади. Профилактика инспектори, капитан Муталибжон Алимов маҳалладаги Абдушукур Йўлдошев, Раҳмонжон Жабборов, Собиржон Мамадалиев каби нурунийлар билан ҳам-

ша ҳамфикр. — Ўтпан йили республика миқёсида ўтказилган «Энг яхши милиция таянч пункти» танловида иккинчи ўринни эгаллади, — дейди профилактика инспектори, капитан Муталибжон Алимов. — Эндиги вазифа келгусида биринчи ўринни эгаллашдир.

Ҳа, ҳаракат, эзгу ният бор жойда муваффақиятга эришилаверади. Биз ушбу милиция таянч пункти фаолияти билан танишиб, бунга яна бир бор амин бўлдик.

Саминжон ХУСАНЗОДА.

ҲАМЖИҲАТЛИК БОР ЖОЙДА...



КУЧ – БИЛИМ ВА ТАФАККУРДА

**Деди: ҳар ишни қилмиш одамзод.
Тафаккур бирла билмиш одамзод.**

А. НАВОИЙ.

Инсон ижтимоий тараққиёт жараёнида билмасликдан билишга, маъхум билимлардан мукаммал ва аниқ билимлар ҳосил қилишга интилади.

Билим – кишиларнинг табиат ва жамият ҳодисалари ҳақида ҳосил қилган маълумотлари бўлиб, воқеликнинг инсон тафаккурида акс этишидир. Воқелик ҳақидаги билган маълумотларимиз билим даражасига кўтарилиши учун қуйидаги шартларни қаноатлантириши лозимдир. Биринчидан, бу маълумотларнинг воқеликка мутаносиблиги; иккинчидан етарли даражада ишонarli бўлиши; учинчидан, бу маълумотларнинг далиллар билан асосланганлиги. Учала шарт биргаликда мавжуд маълумотларни билим даражасига олиб чиқади.

Шахснинг моддий дунё тўғрисидаги, билимлари нисбий бўлиб, у доимо ривожланиб боради ва кундалик тажриба, кузатиш орқали тўпланади. Илмий адабиётларда билимларнинг илмий ва илмдан ташқари шакллари фарқланади. Илмдан ташқари билимларга маданият, адабиёт, санъат, мифология, дин ва шу каби соҳаларга оид билимлар қиради. Одатдаги фан соҳаларида тадқиқ этиладиган билимлар кўзга ташланувчан тури деб аталади, астрология, уфология ва шу каби соҳаларга оид билимлар пинҳоний тури дейилади. Мафкура, тафаккур, фикр сўзларининг ўзаги биттадир.

Тафаккур – инсон ақлий фаолиятининг юксак шакли бўлиб, объектив воқеликни билиш қуроли, шунингдек, инсон фаолиятини амалга оширишнинг асосий шарти ҳисобланади.

Тафаккур сезги, идрок, тасаввурларга қараганда воқеликни тўла ва аниқ акс эттирувчи юксак билиш жараёнидир. Тафаккур жараёнида инсонда фикр, мулоҳаза, гоё, фараз кабилар вужудга келади ва улар шахс онгида тушунчалар, ҳукмлар, ҳулосалар шаклида ифодаланиб, тил ҳамда нутқ билан чамбарчас боғлиқ равишда намоён бўлади. Инсон ўзининг тафаккури, нутқи ҳамда онгли хатти-ҳаракати билан бошқа мавжудлардан ажралиб туради. У фикр юритиш фаолиятида ўзида акс эттирган, идрок қилган, тасаввур этган нарса ва ҳодисаларнинг ҳақиқийлигини аниқлайди, ҳосил қилинган ҳукмлар, тушунчалар, ҳулосалар чин ёки чин эмаслигини белгилаб олади.

Ижтимоий ҳаётда, таълим жараёни ва ишлаб чиқаришда одамлар ўртасидаги алоқа ва муносабатлар ҳам тафаккур ёрдамида намоён бўлади. Жамоада танқидий қараш, баҳолаш, ўзини-ўзи текшириш, назорат қилиш, мулоҳаза юритишдан иборат тафаккур сифатлари вужудга келади. Инсоннинг инсон томонидан идрок қилиниши ҳам тафаккур билан узвий алоқадир. Ижодий ишлар, кашфиётлар, таклифлар тафаккурнинг маҳсули ҳисобланади.

Мустақилликнинг ўтган даврида онг-тафаккуримизда кўп янгиликлар содир бўлдики, ҳатто илгари замонлардан маълум ва машҳур айрим сўз, тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини бугун алоҳида шарҳлаб тушунтиришга эҳтиёж сезилмоқда. Маълумки, тушунчалар – муайян ва маъхум бўлади. Қўл билан ушлаб, кўз билан кўриб, тарозида тортиб, эни, бўйини ўлчаб кўриш мумкин бўлган нарсалар – муайян тушунчалардир. Маъхум тушунчаларни теран англаб олиш, улар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик, ўхшашлик ва фарқларни нозик ҳис этиш унчалар осон эмас. Чунки буларнинг бариға фақат тафаккур кучи билан етилади.

Ҳозирги даврда «гоё», «мафкура» сўзлари давлат аҳамиятига эга бўлиб, чинакам сиёсий атамага айланди, яъни давлат бош ислоҳотчи сифатида бу соҳалар равнақини кўлга олди. Бу тушунчалар кўпроқ «миллий» сифати билан бирга ишлатилмоқда. Чунки ҳар қандай маънавият, маърифат, гоё, мафкура миллий асосга қурилади, бошқача ифодаланганда, улар миллийлашгандагина мамлакат халқини олға етаклайдиган кучга айланади. Маънавият ва маърифатнинг халқ салоҳиятини намоён этидиган кучга айланиши учун миллий гоё ларкор.

Миллий гоё – мамлакат халқини олға етакловчи эзгу фикрлар мажмуасидир. Миллий мафкура – моҳиятан миллий гоёга этиш йўли. Нима қилинса, шу гоёга интилиш тезлашади, осонлашади, мақсад амалга ошади? Қандай иш тугилса, мазкур гоёга зид ҳаракатларнинг йўли тўсилади?

Миллий мафкура айнан ана шу саволларга жавоб беради.

Миллий мафкура – мафкура тадрижи й хусу-

валги соғлом ҳолатига қайтариш қийин.

Миллий истиқлол гоёсига мутлақо зид бўлган хавф-хатарлардан фуқаролар, айниқса ёшлар онги ва тафаккурини асраш долзарбдир. Бузғунчи гоёлар, кучлар ёшлар тафаккурини бутунлай тескари томонга буриши, охири-оқибат миллатимиз маънавиятини, ўзлигимизни, миллатни миллат, халқни халқ қиладиган анъана ва қадриятларимизнинг йўқолишига олиб келади.

Ота-боболаримиздан мерос муқаддас диннинг моҳиятини бузиб кўрсатиш, исломий тарбия, асл муслмончиликка ўргатамиз, деб ҳали гўр тажрибасиз ёшларни йўлдан оздиришга уринган диний оқимларнинг таъсирига тушиб қолганларнинг дунёқараш ва фикри ўрганилганда ачинарли ҳолнинг гувоҳи бўламиз. Улар ўз яқинлари, ҳатто ота-оналари билан ақда талашиб, мен кирган диний оқимга кирмасангиз, менга ўхшаб номоз ўқимасангиз, сизлардан воз кечаман, дейдиган даражагача бориб етганлар. Ахир, ғаламис ва фирибгар душманларнинг гапига кириб, ўзини ёруғ дунёга келтирган, оқ суг бериб катта қилган, бу дунёда ҳам нариги дунёда ҳам фарзандим деб куйиб-ёниб илтижо қиладиган ота-онани ҳақоратлаган кимса инсон деган номга лойиқми?

Бугунги кунда ҳамма ҳам биланвермайдиган, ошқора кўзга ташланмайдиган, маънавий ҳаётимизни издан чиқаришга қаратилган жиддий хатолар ҳам борки, ҳозирдан уларни олди олинмаса кейин кеч бўлади. Булар Фарб оламида кенг тарқалган эго-

центризм ва эркинлик ниқобидаги ахлоқсизлик фалсафасидир. Эгоцентризм худбинликнинг бир кўриниши бўлиб, фақат ўзини, ўз манфаатларини ўйлаб яшаш, бошқа ҳеч нарсани тан олмасликни билдиради. Инсониятга етказилган зарар нуқтани назаридан бу иллат жаҳолат ва ақилапарастликдан асло қолишмайди. Тобора кенгайиб, ўз шаклини ўзгартириб бораётган ғарбча ахлоқсизликни эса аксарият гўр ва тажрибасиз ёшлар «Европача маданият» ва «эркинлик» сифатида қабул қилишга интилиши ва алданиб қолиши ҳеч гап эмас.

Ҳозирги кунда Фарб дунёсида эркинликни ниқоб қилиб олган айрим кимсалар нафақат бизнинг миллий анъаналаримиз, балки барча халқлар учун қадрли бўлган инсонийлик ақидаларига тўғри келмайдиган турли бузғунчиликларни оммавий ахборот воситалари орқали очикдан-очик кенг тарғиб этаётганини кўриб турибмиз. Масалан, Буюк Британияда Элтон Жон исмли машҳур кўшиқчи бир хил жинс вакилларининг ниқоҳдан ўтиб, оила қуришини эркинлик نامунаси сифатида бутун дунёга кўз-кўз қилмоқда. Энг ёмони шундаки, бундай одамларнинг ёшлар ўртасида минг-минглаб мухлислари бор ва уларнинг бу каби жирканч ишлари ана шу ёшлар онги, тафаккурини заҳарлашмасдан қолмайди. Бугун шундай ёвуз хатарлар таҳдиди мавжуд экан, ҳар қандай инсон ўзининг онгли яшаш ҳуқуқи учун, аввало, ўзи қурашиши керак. Онгли яшаш дегани – ўз ақли ва тафаккурига, эзгу, инсоний мафкурага, аниқ миллий гоёга суяниб яшаш дегани.

сиятга эга. Яъни у қотиб қолган назария эмас. Давр ўтиши билан такомиллашиб, ривожланиб, мукамаллашиб бораверади. Бошқача айтганда, бугунги миллий мафкура миллий ва умуминсоний тафаккурнинг керакли нуқталарини мақсадли тарзда уйғунлаштириб, шу тариха такомиллашиб бораверади.

Миллий мафкураимизда миллийлик ва умуминсонийлик олий даражада уйғунлашади. Инсоният тафаккури кўлга киритган ютуқлар, жамики эзгу гоёлар бирлашиб, миллий мафкурага қувват бериб бораверади.

Юртбошимиз «...Ҳозирги вақтда дунёда икки қарама-

карши кутб барҳам топган бўлсада, турли хил мақсад – манфаатларни ифода этувчи мафкуралар тортишув тўхтагани йўқ. Очик айтиш керакки, бу тортишувлардан қўзланган асосий мақсад – инсон, авваламбор ёшлар қалбини эгаллаш, муайян мамлакат ёки минтақадаги бирор миллат ёки халқнинг онгига, унинг сезгитуйғуларига таъсир ўтказиш, уни ўз дунёқарашига бўйсундириш, маънавий жиҳатдан заиф ва тобе қилиш. Фикр қарамлиги, тафаккур қуллиги эса ҳар қандай иккисоний ёки сиёсий қарамликдан ҳам кўра даҳшатлидир» – деб таъкидлаган. Бу пурмавно сўзлар мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаросини миллий истиқлол мафкурасини мазмун-моҳиятини чуқур ўрганиб, ўз мустақил фикрига, собит эътиқодига, ўзи таяниб яшайдиган ҳаётий-миллий қадриятларга, шакланган дунёқараш ва мустақкам иродага эга бўлишга даъват этади. Шундай фазилатларга инсон фақат маърифий билим орқали, қиёсий тафаккур орқали эришади. Миллий мафкура халқ таянадиган кучга эга бўлиши учун фуқароларимиз ҳар турли мафкуралар босимиға, уларнинг ошқора ёки пинҳоний кўринишдаги таъинқларига тегишли жавоб бера олишлари керак.

Бугунги глобаллашув, информация замонида шиддат билан бостириб келаётган зарарли оқимлар, ёвуз таҳдидлар ўз вақтида тўхтатилмаса, эртага кеч бўлмайдими?

Бир ҳақиқатни эслан чиқармаслик лозим – агар инсоннинг қалби ва онги заҳарланса, кейин уни ав-

валги соғлом ҳолатига қайтариш қийин.

Миллий истиқлол гоёсига мутлақо зид бўлган хавф-хатарлардан фуқаролар, айниқса ёшлар онги ва тафаккурини асраш долзарбдир. Бузғунчи гоёлар, кучлар ёшлар тафаккурини бутунлай тескари томонга буриши, охири-оқибат миллатимиз маънавиятини, ўзлигимизни, миллатни миллат, халқни халқ қиладиган анъана ва қадриятларимизнинг йўқолишига олиб келади.

Ота-боболаримиздан мерос муқаддас диннинг моҳиятини бузиб кўрсатиш, исломий тарбия, асл муслмончиликка ўргатамиз, деб ҳали гўр тажрибасиз ёшларни йўлдан оздиришга уринган диний оқимларнинг таъсирига тушиб қолганларнинг дунёқараш ва фикри ўрганилганда ачинарли ҳолнинг гувоҳи бўламиз. Улар ўз яқинлари, ҳатто ота-оналари билан ақда талашиб, мен кирган диний оқимга кирмасангиз, менга ўхшаб номоз ўқимасангиз, сизлардан воз кечаман, дейдиган даражагача бориб етганлар. Ахир, ғаламис ва фирибгар душманларнинг гапига кириб, ўзини ёруғ дунёга келтирган, оқ суг бериб катта қилган, бу дунёда ҳам нариги дунёда ҳам фарзандим деб куйиб-ёниб илтижо қиладиган ота-онани ҳақоратлаган кимса инсон деган номга лойиқми?



Бугунги замон ҳамма нарсага очик кўз билан қараш, олий мақсадлар йўлида фидойи ва қатъиятли бўлишни талаб этмоқда. Шу боис, юртдошларимиз, айниқса, ёш авлод онги ва тафаккурида ҳозирги мураккаб ва таҳликали ҳаёт ҳақида, унинг шафқатсиз уйғунлар тўғрисида нотўғри тасаввур бўлмаслиги керак. Президентимиз И. Каримов таъбири билан айтганда «Онги, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб эса биз кўзлаган олий мақсад – озол ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди».

**Ақром АКМАЛОВ,
Маҳмуд АЛИМОВ.**

Азалдан ўзбек хонадониди ўғил дунёга келса, кексалар дуога қўл очиб, келажаги порлоқ, эл-юрт корига ярайдиган, Ватанига содиқ бўлиб етишсин, дея ният қилишади. Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани Янгиобод маҳалласида яшовчи Иброҳим ака ва Тамара оналар ҳам иккинчи фарзандлари — Руслан туғилганда бошлари осмонга етди.

Бу ўғил ҳам акаси Вячеслав каби ота-она панднасихатларига қулоқ тутиб, улар кўрсатган йўлдан боришга ҳаракат қилди. У ҳар томонлама етук бўлиб камол топишини ўйлаган хонадон катталари турли йўналишлардаги тўғарақларга қатнашишига имконият ярати берилди. Руслан мактабда таълим олаётган даврларида детектив китобларни кўп ўқир, шу мавзудаги фильмлар унинг жони дили эди.

— Мени асар, ёки фильмда содир этилган жиноятни ҳуқуқ-тартибот ходими қандай очиши кўпроқ қизиқтирарди, — дея эслади у. — Энди ўйлаб кўрсам касбимга бўлган қизиқиш ўша даврларда шаклланган экан. У шунингдек, бўш пайтлари акаси билан қўл жанги машғулотларида жиддий шуғулланди. Бунинг натижасида кўпгина спартакиада, ўсмир ва

ешлар орасида ўтказилган мусобақаларда қатнашиб, яхши натижаларни қўлга киритди.

Мустақил ҳаётга қадам қўйиш ҳақида ўйлаб юрган Руслан акаси изидан боришга аҳд қилди. 1998 йил мактабни тугаллаб, ҳеч иккиланмай ҳужжатларини Тошкент Олий ҳарбий техника билим юртига топширди. Ўқишга бўлган иштиёқи ва спортга қизиқувчанлиги билим юрти шахсий таркиби эътиборини тортди.

Руслан Алимухаммедов билим юртини яхши ҳулқ ва аъло баҳолар билан тугатиб, жазони ижро этиш муассасаларидан бирига тезкор вакил этиб тайинланди. Бу ерда хизматнинг ўзига яраша сир-синаотлари билан яқиндан танишиди.

У 2006 йил январь ойидан буён Янгийўл шаҳар ИИБ ЖҚ ва УЖҚК бўлимида тезкор вакил бўлиб хизмат қилмоқда. Тириш-

МАРА ҲАМ ҲАМ КАМОЛ ТОПСИН!

қоқлиги, синчковлиги туфайли бошқалардан ажралиб туради. Йил бошидан шу кунгача унинг бевосита иштирокида 1 та талончилик, 6 та гиёҳвандлик, 8 та ўзгалар мол-мулкни ўғирлаш, 1 та машина олиб қочиш билан боғлиқ жиноятлар фожия этилди.

Устоз отадек улуг, дейишади. Руслан ҳам иш жараёнида Янгийўл шаҳар ИИБ ЖҚ ва УЖҚК бўлими бошлигининг ўринбосари, капитан Ўткир Мухаммедов, бўлинма бошлиғи, майор Жамолдин Ҳакимовларнинг ўғитларига амал қилиб, яхши натижаларга эришмоқда. Вақт ўтиб Руслан жиноятчиликка қарши курашиш жуда масъулиятли вазифа эканлигини тушуниб етди. Ҳар қандай жиноятчи озми-кўпми ҳийлагар бўлиб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораси ходими билан рўбарў келишдан ўзини олиб қочади. Пинҳона иш кўриши, изини яшириш унга хос хусусиятдир. Шу билан бирга ҳар қандай ваҳшийликни содир этишга



қодир. Жиноятчи билан тўқнашганда жуда эҳтиёт бўлиш лозим.

Яқинда навбатчилик қисмига Янгийўл шаҳрида яшовчи Юлия Юсупова кўнғироқ қилиб, номаълум шахс шаҳар ёғмой комбинати олдида бўйнидан 175.000 сўмлик тилла занжирни юлиб қочиш кетганлигини маълум қилди. Воқеа жойига етиб келган тезкор гуруҳ орасида Р. Алимухаммедов ҳам бор эди. Ходимларнинг тезкор ҳаракатлари натижасида ушбу жиноятга қўл урган Янгийўл туманидаги хонадонлардан бирида мардикор бўлиб ишлаётган Х. Сотволди

ушланди. Ундан ашёвий далил олинди.

Яна бир воқеани ёдга олиш жоиз. Янгийўл шаҳридаги деҳқон бозори олдида «ВАЗ-2106» русумли автомашина олиб қочилгани ҳақида хабар келиб тушди. Зудлик билан ушбу ҳолат бўйича тезкор гуруҳ тузилди. Дастлабки суриштирувлар, шу атрофдаги одамлар билан ўтказилган суҳбатлар натижасида мазкур жиноятга қўл урган шахснинг ташқи кўриниши, кийиниши ҳақидаги маълумотлар тўпланди. Машина шаҳар четига айрим эҳтиёт қисмлари олинган ҳолда ташлаб кетилгани маълум бўлди. Тинимсиз меҳнат, сўраб-суриштирувлар, тезкор тадбирлар натижасида машина олиб қочганликда фуқаро Д. Абдухалиқ гумон қилинди. Ички ишлар ходимлари унинг изига тушдилар.

Жиноятчи илгари икки марта судланган бўлиб, хавфли, шу билан бирга жисмонан бақувват эди. У уйда эканлигидан хабар топган тезкор гуруҳ аъзо-

лари кечки пайт хонадонига боришди.

Катта лейтенант Р. Алимухаммедов уй эгасини чақирди. Эшик очилганда Руслан ҳовлига кирди. Ўзини таништириб, бир ишда гумон қилинаётганини айтганда Д. Абдухалиқ уни ҳақоратлади. Кейин энгидидаги тигни олиб, ёнига яқинлашиб келаятган Б. Пармоновга ташланди. Руслан чапдастик билан ҳаракат қилиб, жиноятчини ерга йиқитди ва қўлига кишан солди...

Ҳаётини хавф остига қўйиб бўлса-да, қуролланган жиноятчини қўлга олган катта лейтенант Руслан Алимухаммедов учун бу олишув чинакам касб маҳорати, жисмоний ва жанговар тайёргарлик борасида катта имтиҳон бўлди, десак янглишмаймиз. У кўрсатган мардлиги учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Мустақиллик йиллиги арафасида «Жасорат» медали билан мукофотланди.

Шерали АНВАРОВ,
капитан.

ЖАСОРАТ УНУТИЛМАЙДИ

Мамлакатимиз тинчлигини сақлаш, чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш, мустақиллигимизни кўролмай, Ватанга тажовуз қилганларга қарши курашиб, юртимиз ҳимояси йўлида ҳалок бўлган Тошкент вилояти ички ишлар идоралари ходимлари номи бир умр қалбларда яшаши, хотираси ўчмаслиги учун бор имкониятлар ишга солинаяпти. Ҳозирги кунга қадар террорчилик ҳаракатлари пайтида фожияли равишда ҳалок бўлган саккиз нафар ходимнинг номи абадийлаштирилди.

1999 йил 15 ноябрь куни Янгиобод шаҳри сарҳадларида қуролланган, юртимизга ғараз ниятда кириб келган бир гуруҳ террорчиларни қўлга олишда ҳалок бўлганлар, шаҳар ИИБ бошлиғи, подполковник В. Говорухин номига Ангрен шаҳри марказидаги кўча, унинг 1-ўринбосари, подполковник Б. Пулатов номига Бекобод туманидаги бошқарма ёрдамида бунёд этилган ўрта мактаб, катта тезкор вакил, майор А. Қорабоев номига у ўқиган Оҳангарон тумани Чинор қишлоғидаги ўрта мактаб берилди. Шунингдек, ушбу икки билим даргоҳида «Хотира бурчаги» ташкил этилди.

2000 йил август-сентябрь ойларида Бўстонлиқ туманининг тоғли ҳудудларида пайдо бўлган жангари-террорчи тўда аъзоларининг яширинган жойини аниқлаш, уларни қўлга олиш, давлат мулки ҳисобланган ўрмон ҳўжалигини ёнғиндан сақлаб қолиш даврида фожияли равишда ҳалок бўлган Чирчиқ шаҳар ИИБ ППХ ва ЖТСБ кичик

инспектор-кинологи, сержант Э. Эмираджиев, вилоят ИИБ ЁХБ 18-ёнғин хавфсизлиги қисмининг ёнғин ўчирувчиси, сержант И. Саидахметовларнинг номларини абадийлаштириш бўйича ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, сержант Э. Эмираджиев таълим олган Чирчиқ шаҳридаги 10-мактабда «Хотира бурчаги» ташкил этишга киришилди. Сержант И. Саидахметов туғилиб, яшаган Сижжак қишлоғидаги кўчага унинг номи берилиши тўғрисидаги қарор Бўстонлиқ тумани ҳокимлигига тақдим этилди.

2004 йил 30 март куни Қибрай тумани Салар шаҳарчаси, Қорамурт кўчасида жойлашган ЙПХ блок-пости олдида Тошкент шаҳрига «Тико» русумли автомобилда ғараз ниятда кетаётган, ёнида портловчи модда бўлган, қуролланган террорчиларни қўлга олиш даврида Қибрай тумани ИИБ ЖҚ ва УЖҚКБ тезкор вакили, катта лейтенант А. Турсунов, ИИБ ҳузуридаги

қўриқлаш бўлинмаси милиционер, катта сержант З. Аҳмедов, вилоят ИИБ ЙХХБ ЙПХ батальони 1-ЙПХ отряди ЙПХ инспектори, старшина В. Нуритдиновлар қаҳрамонлик кўрсатиб, ҳалок бўлган эдилар. Қибрай тумани Чинобод қишлоқ фуқаролар йиғини Ўткир маҳалласидаги кўчани марҳум З. Аҳмедов номига, бошқа бир кўчани эса А. Турсунов номига беришга қарор қилинди. Паркент тумани, Номданак қишлоғидаги Олмазор кўчаси эса келгусида В. Нуритдинов номи билан аталадиган бўлди.

Бундан ташқари, вилоят ИИБ масъул раҳбарлари томонидан юқорида номлари келтирилган ходимлар илм олган мактабларнинг ўқувчилари билан бир неча бор учрашувлар ўтказилди. Бошқарма ташаббуси билан хизмат пайтида ҳалок бўлган ходимларнинг мардлиги, жасорати тўғрисида ҳикоя қилувчи «Мардлар жасорати мангудир» деб номланган китоб чоп этилди.

А. ШЕРАЛИЕВ.

Ички ишлар идораларида узоқ йиллар самарали хизмат қилиб, касбига ўз ҳаётини, умрини бахшида этиб ҳурмат эътибор билан нафақага чиқиш, инсон учун катта бахтдир. Яқинда Жиззах вилояти ички ишлар бошқармасида шундай бахтга муяссар бўлган бир гуруҳ ходимлар тантанали равишда нафақага кузатилди.

КАСБИДАН ЭЪЗОЗ ТОПИБ

Вилоят ИИБ ҳўжалик бўлими бошлиғи, подполковник А. Ражабов, ЙХХБ техника назорати бўлими бошлиғи, подполковник С. Баракаев, ЙХХБ техника назорати бўлими бошлиғи ўринбосари, подполковник М. Абдиев, Ахборот маркази инспектори, подполковник М. Бегалиевлар вилоят ички ишлар идоралари турли лавозимларида фидокорона хизмат қилган, ўзларининг билим ва касб маҳоратларини эл-юрт осойишталигини асрашдек шарафли ишга сарфлаган, ўнлаб шогирдларни тарбиялаган фидойи инсонлар ҳисобланади.

Сўзга чиққанлар уларнинг ҳар бири ҳақида ўзларининг илиқ ва самимий фикрларини билдиришди.

— Мен, Аҳмад ака Ражабовни ички ишлар идораларига хизматга келган кунларимдан биламан. Хизматнинг машаққатларини енгиб ўтишда, касбнинг ўзига хос жиҳатларини ўзлаштиришда у кишидан кўп нарсаларни ўрганганмиз, — дейди подполковник Б. Пардаев.

Тантанали маросимда нафақага кузатилаётганларга вилоят ички ишлар бошқармасининг қимматбаҳо совғалари топширилди.

Б. БЕГИМКУЛОВ.

ШИФОКОРЛАР МЕХНАТИ ҚАДРЛАНМОҚДА



– Албатта, рақобат бор жойда талаб, масъулият кучаяди. Биз ҳозир ансамблимизнинг нуфузини кўтариш борасида режалар ишлаб чиқаяпмиз. Санъаткорларнинг маҳоратини ошириш, янги дастур ва репертуарлар яратиш ҳамда байрам ва гастрол концертларини уюштириш, имкони борича, санъатимиздан баҳра олиш истагидаги мухлисларимизни хушнуд қилиш ҳаракатидамиз.

– **Ансамблга раҳбарлик қилиш сизнинг актёрлик фаолиятингизга таъсир қилмайдими?**

– Кўпчилик менга айнан шу савол билан мурожаат этишяпти.

санъат олийгоҳининг актёрлик факультетига ўқишга кирдим. 1997 йил институтни тугатиб, Ҳамза номидаги ўзбек драма театри (ҳозирги Ўзбек миллий академик драма театри)га актёр бўлиб ишга кирдим. Ҳозиргача ана шу «отaxon» театрда ишлаяпман.

– **Актёр бўлмаганингизда қайси касбни танлаган бўлардингиз?**

– Очиғи, актёр бўлман деб ўйламагандим. Ҳатто мактабни битириш арафасида ҳам ҳали бир тўхтама келмаганман. Ҳарбий хизматдан қайтганимдан сўнг олдимда икки мақсад: актёр ёки ички ишлар ходими бўлиш турарди. Тошкент Давлат санъат институтига ҳужжатларимни топширдим. Мабодо киролмасам, кейинги йил ИИБ Академияси ёки Тошкент Давлат юридик институтида ўқиб, ички ишлар соҳасида хизмат қилишга қатъий аҳд қилгандим. Чунки бу соҳага қизиқишим баланд эди. Мана, «йи-



«Алпомиш» бадий фильмида Қоражон образида.

Аваз Утар ўгли 1884 йилнинг август ойида Хива шахрида, сартарош оиласида дунёга келди. Шоирнинг отаси Полвонийёз Утар Гадоийийёз ўгли халқ орасида «уста» номи билан машхур бўлиб, замонасининг машхур шоир ва санъаткорларидан Огаҳий, Комил, Баёний каби билан қалин дўст бўлган. У саройда сартарошлик қилган.

Аваз дастлаб мактабда, кейин эса Мадамин Иноқ мадрасасида таҳсил олади. Авазининг адабиётга ҳаваси жуда эрта уйғониб, мадрасада ўқиб юрган давридаёқ Шарқ адабиёти мумтоз вакиллари билан Ҳофиз Шерозий, Абдурахмон Жомий, Лутфий, Алишер Навоийларнинг ижоди билан яқиндан танишиш ва уларга эргашиб машқий шеърлар ёза бошлади. Аваз тез орада халқ ўртасида танилиб, шеърлари созанда ва хонандалар томонидан куйга солиниб, қўшиқ бўлиб айтила бошланади.

Баёний, Табибий, замондоши Жуманиёз Хивақий, дўсти Ҳасанмурод қори — Лаффасий ва бошқалар унинг истеъдодига юксак баҳо берганлар. Ёш шоир Аваз Утар ҳақидаги бу хилдаги маълумотлар Хива хони Муҳаммад Раҳим соний — Феруз қулоғига етиб боради ва Авазга саройга чақиртириб, Табибийга шогирд қилиб топширади. Шоир ижоди жуда ҳам ранг-баранг бўлиб, қамрови ниҳоятда кенг эди. У мумтоз адабиётимиздаги газал, мухаммас, мустазод, мусамман, мурабаъ, муламмаъ, таржеънад, соқийнома, рубоий,

АВАЗ УТАР

қитъа, фард каби турларида ижод қилди. Аваз Утар ниҳоятда қисқа умр кўрди. У 1919 йилда 36 ёшда вафот этди. Унинг бу қисқа умри ҳам машаққатлар, фожеалар билан ўтди.

Аваз Утардан бизга бой поэтик мерос қолди. У ҳаётлик вақтидаёқ шеърларини жамлаб девон тартиб қилди ва уларни «Саодат ул-иқбол» («Бахтли иқбол») деб номлади. Шоир тузган девонларини 1908 йилда хатот мулло Болтаниёз Курбонийёз ўғлига бериб кўчиртирган. Шоирнинг бу девонлари Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институтининг қўлёзма-лар фондида сақланмоқда. Бундан кейин ҳам

Авазининг шеърлари тўпланиб, улар девон ҳолига келтирилган. Унинг газаллари Хиванинги литография усулида ўзи ҳаёт вақтидаёқ чоп этилган эди. Аваз ижодидан намуналар Хоразмда кўчирилган турли хил баёз ва тазкиралардан муносиб ўрин олди. Шоирнинг асарлари «Ойна», «Вақт», «Мулло Насриддин» каби вақтли матбуот саҳифаларида чоп этилган.

Маърифатпарварлик гоиларини кенг тарғиб этиш Аваз Утар ижодига хос хусусиятлардан биридир. Бу унинг «Тил», «Мактаб», «Халқ», «Фидойи халқим», «Топар экан қачон?» деган шеърларида яққол кўринади: Аваз Утарнинг ҳажвий

асарларида эса чор чиновниклари ва маҳаллий амалдорлар, давлат орғтириш йўлида алдамчилик, риёкорлик қилувчи бойлар, судхўрлар ва уларга ўхшаш разил шахсларнинг қилмишлари фож этилган.

Аваз Утар бир қатор асарларида ижтимоий тенгсизликни ва унинг кескинлашиб бораётганлигини ҳаққоний тасвириллаб, фалакни «гаддор», замонани эса «каж» деб атайди. Шоир ижтимоий руҳдаги шеърларида ўзининг озодлик, бахтли ҳаёт ҳақидаги қарашларини баён қилган. «Хуррият», «Сипоҳийларга», «Халқ», «Топар экан қачон?» «Фидойи халқим», «Уламоларга» каби қатор асарларида Аваз Утарнинг келажак хусу-

сидаги фикрлари ўз аксини топган. Аваз Утар ижтимоий шеърини замирида зулм ва зўравонлик ҳисобига тўпланган бойликларга нафрат, икки томонлама зулм остида қолган меҳнаткаш халқ ҳаётига ачиниб туйғуси ётади. Шоир ўша жамиятдаги яшаб турган кишилар ўртасидаги тафовутларни, қарама-қаршиликларни рўй-рост очиб ташлайди. Ҳозир Аваз Утар ўзининг иккинчи умрини яшамокда. Унинг номига мактаб, муассаса, жамоа ва давлат хўжаликлари, кўча ва хиёбонлар қўйилган. Шоир юбилейлари ўтказилиб, китоблари қайта-қайта нашр этилмоқда, газаллари созанда ва гўяндалар ижросида ашула қилиб айтилмоқда, адабий мероси олимларимиз томонидан ўрганилмоқда, ижоди мактаб ва олий ўқув юрларида ўқитилмоқда.

МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

Келгуси ҳафта учун

ҚҮЙ. 21 март – 20 апрель
Ушбу ҳафтада кайфиятингиз кўтаринки бўлади. Берган ваъдаларингизнинг устидан албатта чиқинг. Яқинларингиз маслаҳатига амал қилишингиз фойдадан ҳоли эмас.

СИГИР. 21 апрель – 20 май
Янги алоқалар ўрнатиб, дўстлар орғтириш имконияти бор. Юрагингизга муҳаббат меҳмон бўлиши мумкин. Ўзингизга яқин одамларга кўмаклашишни маслаҳат берамиз. Барча жабҳада омад кулиб боқади.

ЭГИЗАКЛАР. 21 май – 21 июнь
Бошлаб қўйилган муҳим ишни ниҳоясига етказасиз. Қийинчиликларни енгиб, шахсий алоқаларни мустаҳкамланг. Отанонгизни бориб кўрсангиз бошлари осмонга етади.

ҚИСҚИЧБАҚА. 22 июнь – 22 июль
Ишхона ва оилангизда муайян ўзгаришлар бўлиши кутилмоқда. Вақтдан имкон қадар унумли фойдаланишга ҳаракат қилинг. Танишларингизнинг илтимоси маъқул келмаса рад этишни маслаҳат берамиз.

АРСЛОН. 23 июль – 23 август
Тўпланиб қолган турли масалалар ечимига ижодий ёндашасиз. Севган кишингиз билан муносабатлар яхшиланади. Кўнгилли ҳордиқ чиқаришингиз айна вақтидир.

БОШОҚ. 24 август – 23 сентябрь
Туйгуларингизга эрк бериб, фантазиянгни ривожлантиринг. Атрофингиздаги одамларнинг ўзига хос жиҳатларини илғаб олишингиз зарур. Шу тариқа ишхонада ва шахсий ҳаётингизда муваффақиятга эришасиз.

ТАРОЗИ. 24 сентябрь – 23 октябрь
Ушбу ҳафтада бўлиб ўтган воқеаларни ортиқча эсламанг. Сизни истиқболли келажак кутмоқда. Ҳаётингизда маълум ўзгаришлар рўй бериши мумкин.


ЧАЕН. 24 октябрь – 22 ноябрь
Фаолиятингизда йўл қўйилган хатоларни тўғрилаш имконияти бор. Бунинг учун худбинлик қилмай, айрим ноҳақликларни тан олинг. Шунда жамоадаги ҳурмат-эътиборингизни сақлаб қоласиз.

ЎЙ. 23 ноябрь – 21 декабрь
Яқинларингизга кўмак бериб, амалий шериклар билан муносабатларни яхшилашга ҳаракат қилинг. Шунинг унутмангки, одамлар ақл-заковат ва иқтидорингизга етарли баҳо бермасликлари мумкин.

ТОҒ ЭЧКИСИ. 22 декабрь – 20 январь
Меҳнатсеварлигингиз касб маҳоратингиз ошишига олиб келади. Шахсий ҳаётингизда катта имкониятлар юзага келиши мумкин. Муҳим ишларга қўл урмай турганингиз маъқул.

КОВҒА. 21 январь – 20 февраль
Ишқ-муҳаббат бобида омад кулиб боқади. Ҳар қандай вазифага бемалол киришаверишингиз мумкин. Дам олиш кунлари рақибларингиздан эҳтиёт бўлинг.

БАЛИҚ. 21 февраль – 20 март
Ишга бўлган муносабатни ўзгартиришингиз зарур. Саъй-ҳаракатларингиз раҳбарлар, дўстлар ва яқинларингизни таажжубга солса, демак ҳаммаси яхши кетаяпти. Дам олиш кунлари асосий вақтингизни дўстлар даврасида ўтказишни маслаҳат берамиз.



ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Республика ИИВ Хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси бўлим бошлиғи, подполковник **Эркин ҚАЛАНДАРОВ**ни туғилган кун билан самимий табриклаймиз. Ҳамкасбимизга узоқ ва мазмунли умр, мустаҳкам саломатлик, оилавий бахт, ишларида катта ютуқлар тилаймиз. Хонадонидан файзу барака аримасин.

Эҳтиром ила ҳамкасблари.

СОЧ

Ўзини чиройли сочли кўриш — маблағли ва давлатманд бўлишликни ифодалайди. Булардан ташқари, сочининг бошқа белгилари ҳам бор. Ўз сочини қалин, қора кўриш — унинг қалби тоза ва ҳалоллигига ҳам ишора. Сочини текис, малла тусда кўриш — қаҳри қиттиқ, енгилтак кимса билан учрашиш; оқ-қора аралаш тусда кўриш — ҳақиқат изловчи одам билан мулоқот; оппоқ тусда кўриш — унинг мурувват эгаси эканлигининг ва хотиржам ҳаётнинг белгиси; хурпайтирилган соч — кеккайган кимса билан суҳбат бўлиши. Эркак киши қора, жингалак соч кўрса — даромадли ишларида қийинчиликлар, каловланишлар пайдо бўлиши эҳтимоллиги; малла, жингалак соч кўрса — унга нисбатан пинҳон, писмиқона ишларнинг рўй бериши; оқ-қора тусдаги жингалак соч — қилаётган ишларида хатар, хавф бор; оппоқ жингалак соч — уни тушунолмайд қолишади. Қизлар жингалак соч кўрсалар — совчи келиши белгиси; аёллар кўрсалар — рўзгорни жой-жойида юрита олмаяптилар.

САНДИҚ

Ичи мол-бисотта тўла сандиқ — тақлиф, саёҳат, сафар ва даромадли ишлардан хабар. Қизлар кўрса — бадавлат хонадондан келувчи совчи, туй, бахт. Ичи бўш сандиқни кўриш — мўлжалдаги ишларни амалга оширмаслигига, муҳтожликка ишора. Олтин сандиқ, тўласи — етти йил ичида давлат эгаси бўлишдан ха-

Тушлар Таъбири

бар; бўши — хато ишлардан афсус чекиш. Қадимий сандиқ кўриш — кутилмаган мулк ва мерос.

САМОЛЁТ (ТАЙЁРА)

Улкан самолёт кўриш — катта, сердаромад тақлиф келишидан хабар. Шу самолётда учини-сафар, саёҳат ва чет эл корхоналари билан келишув дарағи. Кичик самолётда учини — тез кунларда янги ишга ўтишни ва ҳамма ишни бошқатдан бошлашга ишора. Кимки, самолётни ўзи бошқараётганини кўрса — яқин вақтда орзу-ниятларига етиб, барча ишларда зафар кучади. Аэропортдаги турли, бир қанча самолётларни томоша қилиш — катта мавқега эга бўлишдан хабар.

САЙР

Ўзгал табиатда сайр этиш — ошиқ бўлиб қолишдан дарак. Шаҳарда сайр қилиш — ишларидан хотиржам бўлаверишига ишора. Бегона юртда сайр қилиш — яхши, янги ишга тақлиф. Табиати хунук, ноқоиз ерларда сайр этиш — ўз айбига кўра ташвишга қолишининг ва дардга чалиниши мумкинлигининг хабари. Садақ бериб, ишларни пухта ўйлаб олиш зарур.

ДЕТЕКТИВ-ТОПШИРИК

РОК ЮЛДУЗИНИНГ ТУФЛИСИ

Одатдагидек, роппароса 17.00да инспектор Борг ўзи ўтирадиган ресторанда ҳозир бўлди. Ўн дақиқалардан сўнг чаққон официант қиз буғи чиқиб турган овқат ва бошқа егуликлар билан столни тўлдирди. Иштаҳаси очилиб кетган инспектор эндигина кўлига қошиқни олган эди ҳамки, ортидан кимнингдир чийилдоқ овози эшитилди.



— Салом, инспектор! Борг норози оҳангда унга томон юз бурди. Қаршисида пайдо бўлган сержант Глумнинг ташвишли чеҳрасидан инспектор нимадир содир бўлганини сезди. Нойлож, қошиқни жойига қўйиб, деди:



— Ҳа, сержант. Бу сафар нима юз берди? Сизга икки дақиқа вақт бераман...
— Тушундим, — дея тезгина стулга ўтирган Глум портфелидан қандайдир суратларни олди. — Замоновий мусиқа музейида ўғрилиқ бўлган. Элвис-Преслининг охириги концертида кийиб чиққан туфлиси йўқолган. Биласиз бу рок юлдузининг ҳар бир нарсаси мухлислари учун бебаҳо.

Сержант икки суратни эҳтиёткорлик билан стол устига қўйди.

— Мана бу сурат мухлислар музейга киришдан олдин олинган, — сержант бармоғи билан биринчи суратни кўрсатди. — Буниси эса чиқиш пайтида туширилган. Ўғрилиқни улардан бири қилганлиги аниқ, лекин қайси бири? Сумкаларини гардеробда қолдириб киришган. Узун пошнаги туфли чўнтакка сиғмайдими... Хуллас, уларни қўлга олдик. Ҳадемай сўроқ қиламиз.

— Арзимаган шугина иш учун қимматли вақтимни олдингиз, сержант! — жаҳли чиқди инспектор Боргнинг. — Ҳаммасини еўроққа чақириш шарт

эмас. Шундоғам қай бири ўғирлагани кундай равшан. Ўшани чақириб сўроқ қилинлар вассалом.

— Кимни назарда тутаяпсиз, инспектор? — ҳадиксиратганча сўради Глум.

Инспектор Борг сержантнинг кўриш қобилияти ҳақида аччиқ сўзларни ёғдириб, суратдагилардан бирининг пешонасига бармоқ босди ва бошқа ҳеч нарса демай, овқат ейишга тушди.

Сержант Глум нима учун ўғри айнан инспектор кўрсатган мухлис эканлигини билолмай, буйруқни бажариш учун кетди.

Савол: инспектор Борг кимни айблади (расмга қаранг) ва нима учун?

ЙЎЛДАГИ ВОҚЕА

— Жаноб инспектор, ишонтириб айтаманки, бу ерда тушунмовчилик бўлган. Мен хаёлпаршонлик билан у кишининг жомадонини олиб кетибман.

— Ҳечқиси йўқ, биз ҳозир жабрланувчини ҳам эшитиб кўрайлик-чи. Қани, сиз гапиринг.

— Мен бу жаноб билан бир купеда кетаётгандим. Юк қўйиладиган жойлар банд бўлганлиги учун жомадонимни шу кишининг яқинига қўйдим. Йўлда қайта гаплашиб кетдик. Мен ўғлим-

нинг олдига кетаётганимни, жомадонимда ўғлимга совға сифатида бир неча йиллардан бери тўплаган қимматбаҳо маркалар билан тўла альбомлар борлигини айтгандим. Кейин ухлаб қолибман. Уйғонганимда поезд манзилга етиб келган экан. Кийиниб бўлиб қарасам, жомадоним бошқа жойда турибди. Очдим. Не кўз билан кўрайки, ичига тўлдириб юмшоқ кўғирчоқлар жойланган! Бу ярамасни вақтида қўлга олганингиздан бағоят миннатдорман!

— Мени айблашга нима ҳаққингиз бор?! Ахир, ўзингиз кўриб турибсиз, жомадонларимиз бир хил экан. Мен бор-йўғи уларни адаштириб юборганман, ҳолос!

— Шунга қарамасдан мен сизни ҳибсга олишга мажбурман, — деди инспектор Варнике.

Савол: инспектор Варнике нимага асосланиб шундай қарорга келди?



Газетамизнинг аввалги сонида чоп этилган детектив-топшириқларнинг жавоблари:

1. «Фалокат юз бермайди». Аляскадек совуқ ўлкага учатганлар ўзлари билан албатта иссиқ кийим олишади. Йўловчилардан бири эса ҳаттоки калта кўйлаққа эди.
2. «Ресторандаги воқеа». Официант қиз билан бўлган моҳаро кечки вақтда юз берган. Ваҳоланки, ресторан эшигида «Иссиқ овқатлар соат 15.00 гача» деб ёзиб қўйилган эди.

БОЛАНИНГ ЯҚИНЛАРИ БОРМИ?

Тошкент шаҳар ИИББ ҲООБ вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига 2006 йил 4 сентябрь куни Тошкент шаҳар ИИББ ВЕИХЭКМ ходимлари томонидан Чилонзор туманидаги катта йўл чорраҳасида дайдиб, назоратсиз юрган, тахминан 9-10 ёшли ўғил бола олиб келинган. Бола ўзини Виктор Владимирович Ющенко деб таништирган. Яшаш жойи ва яқин қариндошлари ҳақида ҳеч қандай маълумот беролмади.

Белгилари: бўйи 140-145 см, ўрта гавдали, кўзлари жигарранг, сочи сариқ, қошлари сариқ, юзи чўзиқроқ, лаби қалин.

Кийимлари: эгнида сариқ рангли футболка, кул ранг шортик, оёғида кўк рангли шиппак бўлган.

Боланинг ота-онаси ёки яқин қариндошлари Тошкент шаҳар ИИББ вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига мурожаат этишлари мумкин. Телефонлар: 191-52-37, 191-34-31



КИДИРИЛМОҚДА

Тошкент вилояти Янгийўл тумани ИИБ томонидан, қуйидаги шахслар жиноят содир этиб, терговдан яшириниб юргани учун қидирилмоқда.

Ҳамиджон Аҳмаджонович **ДАДАХОНОВ**. 1965 йилда туғилган. Янгийўл тумани, Ҳ. Турсункулов номи ширкат хўжалиги, Шўралисой маҳалласи, М. Камолов кўчасида яшаган.



Муроджон Исомидинович **НАЗРАЛИЕВ**. 1968 йилда туғилган. Янгийўл тумани, Ҳ. Турсункулов номи ширкат хўжалиги, Шўралисой маҳалласида яшаган.



Бахтиёр Ўринбоевич **БОБОЕВ**. 1970 йилда туғилган. Янгийўл тумани Гулбаҳор кўрғони, Гулбаҳор кўчаси 15-уй, 8-хонадонда яшаган.

Юқорида номлари зикр этилган шахсларни кўрган ёки қаердалигини билганлардан яқин орадаги ички ишлар бўлимига ёхуд Янгийўл тумани ИИБга хабар беришларини сўраймиз.

БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН

Тошкент вилояти Пскент тумани ИИБ томонидан қуйидаги фуқаролар бедарак йўқолгани учун қидирилмоқда.



Мехриниса Исмоиловна **ЗАЙНИДДИНОВА**. 1950 йилда туғилган. Пскент шаҳар Улуғбек кўчаси 39-уйда яшаган. 2003 йил 15 февраль куни шифонага бориш учун уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: Бўйи 160-165 см, ўртача гавдали, соҳига оқ оралаган, қошқўзлари қора, лаблари қалин.

Алоҳида белгилари: буйининг орқа томонида холи бор, ўнг кўрагининг тағида жарроҳликдан қолган чандиғи бор.

Солиқул Икромович **АБДУНАЗАРОВ**. 1973 йилда туғилган. Пскент тумани И. Ҳайдаров фермерлар уюшмасида яшаган. 2001 йил 14 декабрь куни уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.



Белгилари: бўйи 175 см, кўзлари қора, сочларига оқ оралаган, руҳий касал.



Ирода Ражаббеевна **ТЎРАЕВА**. 1982 йилда туғилган. Пскент тумани «Ўзбекистон» фермерлар уюшмаси, Навбаҳор кўчаси 2-уйда яшаган. 2004 йил 24 декабрь куни эрталаб уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи тахминан 155-160 см, юзи чўзинчоқ, сочи қора.

Ином **САРИҚУЛОВ**. 1920 йилда туғилган. Пскент тумани Оқтом қишлоғида яшаган. 2004 йил куни 28 май куни жума намозига бораман деб уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.



Белгилари: бўйи 165-170 см ўртача гавдали, соч ва соқоллари оқарган, қулоқ супраси кенг, бурни ўртача, оғзи катта, кўзлари бир оз қисик.

Юқорида номлари қайд этилган фуқароларни кўрган ёки қаердалигини билганлардан яқин орадаги ички ишлар бўлимига ёхуд Пскент тумани ИИБга хабар беришларини сўраймиз.

Болгария Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан Катя Ивановна **ИВАНОВА** қидирилмоқда. К. Иванова 1978 йил 6 март куни Болгариянинг Плевен шаҳрида туғилган. Уни охириги мартта 2005 йил 8 май куни Плевен шаҳрида кўришган. Шундан бери бедарак.

Белгилари: юзи думалоқ, сочлари жигарранг, кўзлари жигарранг, кўзларида яшил доғлари бор.

Алоҳида белгилари: лабининг тепасида холи, чап томондаги қошида чандиғи бор.

К. Ивановани кўрган ёки қаердалигини билганлардан яқин орадаги ички ишлар бўлимига ёхуд Болгариянинг Тошкентдаги элчихонасига хабар беришларини сўраймиз. Тел: 153-48-88.



ХАР ДАРДНИНГ ДАВОСИ БОР



САЛОМАТЛИК

РЕЦЕПЛАР + МУТАХАССИС ФИКРЛАРИ + ТАВСИЯЛАР

2006 ЙИЛ – ҲОМИЛАР ВА ШИФОКОРЛАР ЙИЛИ

«МЕН СИЗДАН ШИФО ТОПДИМ»

— Турмуш ўртоғим Кенжа Норов 10 йилдан ортиқ ички ишлар соҳасида хизмат қилиб, бир жиноятчини ушлаш пайтида ҳалок бўлганлар. Мени 15 йилдан бери сурункали гепатит касаллиги қийнаб келади. Авваллари Тошкентга бориб даволанар эдим. Фарзандларим, қариндошларим мени аҳволимдан хабар олгани боришга қийналишарди. Энди Гулистонда вилоят ИИБ госпиталида даволаняпман. Шифокорларга раҳмат.

Бу сўзларни Сирдарё вилояти ИИБ тиббиёт масканида бўлганимизда бемор Дилором Норовдан эшитдик.

Ўтган йили Гулистон шаҳридаги қаровсиз бир бино таъмирланиб, тиб-

биёт хизмати ихтиёрига берилди. Бу ерда поликлиникадан ташқари, 40 ўринли шифохона ҳам ишга туширилди.

Ҳозир бир кунда 260 нафар беморни қабул қилиш имкониятига эга бўлган поликлиника, лаборатория, санитария-эпидемиология назорати маркази, шифохона, ҳарбий-тиббий комиссия фаолият кўрсатяпти.

Шифокорнинг муолажасидан кўра унинг ширин сўзи даво дейишади. Тажрибали тиббиёт ходимлари беморларга ширинсухан муомаласи билан, дардларига малҳам бўлишмоқда. Айниқса, Машхура Шамшиева, Дилора Очилова каби тажрибали ҳамшираларнинг хизматидан кўпчилик мамнун.

— Ички ишлар идораларида 26 йил хизмат қилиб, ҳозир нафақадан, — дейди Турсунтош опа Азизова. — Илгари тиббий кўрикдан ўтиш учун Гулистон шаҳридаги поликлиникаларга бориб, навбат кутиб, вақтимиз ўтарди. Энди бу тиббиёт масканида барча турдаги хизматлар кўрсатиляпти. Айниқса, биз нафақадигиларга алоҳида эътибор берилётганидан жуда миннатдоримиз.

— Инсон учун саломатлик ҳар нарсадан қиммат. Уни асраб авайлаш, сақлашда биз тиббиёт ходимлари кўлимиздан келганича, имконимиз бори-ча ҳаракат қиламиз, — дейди биз билан суҳбатда шифохона бошлиғи,



Суратда: Сирдарё вилояти ИИБ тиббиёт маскани фаолиятдан лавҳа. Муаллиф олган сурат.

Нафиса Реимбоева. — Биз асосий эътиборни шифокорларнинг малакасини замонавий тиббий асбоб-

ускуналарни ишлатиш маҳоратини ошириш ҳамда тажрибали тиббиёт ходимларини хизматга

жалб этишга қаратганмиз. Назиржон ЙЎЛДОШЕВ, лейтенант.

Узумнинг меваси ва барги бир неча минг йилдан буён халқ табobatiда ишлатилиб келинмоқда. Тиб илмининг султони Абу Али ибн Сино ўз асарларида узум борасида шундай ёзган:

«...Токнинг суви кўтир ва темирткилар учун доридир. Ёввойи токнинг меваси чиққиларнинг яллиғланишини қайтаради. Қириқдиларнинг кули сирка билан аралаштирилганда асаб бураллишига, шохларининг кули эса зайтун ёғи билан қўшилганда мушакларнинг ёрилиши ва бўғинларнинг бўшашувига қарши ишлатилади. Барги ва жингак иллари иссиқ бош оғриғига суртма дори бўлади. Ёввойисининг (пўстлоғи) асал билан қўшилганда қонайдиган тиш милкени тuzатади.

Буйрак, қовуқ, ичак оғриғида, пешоб ҳайдовчи, ўт (сафро) ҳайдовчи, дармонбахш сифатида тайинланади...»

Узум уруғи билан сабзи уруғини қайнатиб, доқа орқали сузилади. Бу қайнатма ни бавосил (геморрой) хасталиғига чалинган беморларга тавсия этилади. Узум ширасини танани мустаҳкамлашда, кўнгил айнишини бартараф этишда ичилади. Узум юрак қон-томир, тош хасталиғида, сурункали нефрит,

жигар хасталиғида, асаб тизимида, камқонликда, сил хасталиғи, зиққинафас, моддалар алмашинуви бузилганда яхши наф келтиради.


Узумнинг гўраси ҳам фойдали бўлиб, сафрони чиқаради, чанқоқни босади, ич кетишини тўхтатади, меъда (ошқозон), жигарга қувват беради.

Барги эса томоқ шамоллаганда наф беради, турли яраларда, жароҳатларда тавсия этилади. Узум билан даволаш муолажаси 1-1,5 ой мобайнида олиб борилади. Ҳар куни 200 граммдан бошланиб, аста-секин 2 килограммгача етказиш даркор. Узумни эрталаб, понуштадан 1,5-2 соат олдин истеъмол қилиш тавсия этилади. Узум билан сут, ароқ, маъданли сув ва бошқа ичимликлар ичиш тавсия этилмайди.

Меваси пўчоғида ошловчи ва бўёвчи моддалар, энин, эфир мейи бор. Ана шу моддалар туфайли узум бир қатор хасталикларни даволашда шифо бўлади. Таом ҳазмини яхшилайди, иштаҳа-

МЕВАЛАРНИНГ НАҚШИ

Ўлкамиз неъматларидан яна бири узумдир. Юртимизда токнинг 400 дан ортиқ нави ўстирилади. Нимранг, чарос, ҳусайни, тоифи, шакарангур, биҳишти навлари кўпроқ экилади.



ни очади. Эрталабки понуштада узум ейилса киши вужудини тозалайди.

Узумнинг ёш барглари ва шохчалари (новдалари) қон босими юқори бўлганида — гипертония хасталиғида ва қандли диабетда наф беради. Бунинг учун узум (ток)нинг барглари ва новдалари йиғилиб, салқин жойда қуритилади. 50 грамм ток барглари 0,5 литр қайноқ сувга солиниб, чой сингари дамланади, сўнгра наст оловда 10-15 дақиқа қайнатиб сузилади. Кейин ярим стакандан 3 маҳал кунга таомдан олдин ичилади.

Ота-боболаримиз қадимдан узум майзини тайёрлашга одатланишган. Майида маъданлар ва дар-

мондорилар, айниқса темир моддаси кўп бўлади. Майиз, асал, ёнғоқ, аралашмаси қувват бағишлайдиган малҳам сифатида машҳур.

Янги тадқиқотлар қора узумнинг суви қанчалик фойдали бўлса, уруғи ва пўсти ҳам шунчалик фойдали эканлигини кўрсатди. Активил саратонга қарши Е дармондориси ёки бета каротин сингари таъсирчан моддадир. Юрак хасталиклари, томир тикилиши каби дардларга ҳам даво бўлади.

Узум пишиғида ҳар бир киши ўртача 13 килограмм узум тановул қилиши керак. Шунинг ёдда тутиш керакки, узум ўта семиз кишиларга, ўткир юрак етишмовчилиғида, меъда ва ун икки бармоқли ичак яраси кўзгалганида, қандли диабетда тавсия этилмайди. Узум тишларни бузади, шунинг учун егандан сўнг оғизни сув билан озиғна чой содаси қўшиб чайқаш керак.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ, доришunos.

ТЕННИС

ҲАМЮРТЛАРИМИЗ — ОСИЁ ЧЕМПИОНИ

Тошкентда бир ҳафта давомида бўлиб ўтган теннис бўйича Осиё чемпионати якунланди. Муҳташам «Тошкент теннис маркази» кортларидан ҳамюртларимиздан ташқари Баҳрайн, Гонгконг, Эрон, Ҳиндистон, Покистон, Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Қувайт, Хитой, Япония ва Хитой Тайпейдан келган теннисчилар ўз маҳоратларини синаб кўришди.

Айниқса, хотин-қизлар орасида яқка беллашувларда ҳамюртимиз Ирода Тўлаганованинг ўйини кўплаб теннис мухлисларига манзур бўлди. Ўзбекистон теннис юлдузи финал учрашувда Хитой Тайпейи вакиласи Юнг Жан Чанга қарши чиқиб, биринчи сетда 5/7 ҳисобида рақибига имкониятни бой берди. Иккинчи сетда бор кучини ишга солган Ирода ўз фойдасига 6/2 ҳисобини ёзиб қўйди. Ҳал қилувчи учинчи сетда ҳам Ирода Тўлаганова рақибаси устидан 7/5 ҳисобида галаба қозониб, Осиё чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди.

Эркаклар ўртасидаги беллашувларда эса ҳамюртимиз Денис Истомин япониялик Го Сойедага имкониятни бой берди — 5/7, 4/6.

Жуфтлик беллашувларида Мурод Иноятгов билан бирга ўйнаган Денис Истомин асосий беллашувларда ҳиндистонлик Мустафо Гауси ва қозоғистонлик Алексей Кедрюкдан иборат жуфтликка қарши кортга чиқишди. Финалда 6/1, 6/4 ҳисобини ўз фойдасига ҳал қилган теннисчиларимиз учинчи маротаба Осиё чемпиони бўлишди.

Хотин-қизлар ўртасидаги жуфтлик беллашувларида Хитой Тайпейи вакиллари — Юнг Жан Чан ва Чия Жунг Чуанг, хитойлик Ван Тинг Лю ва Шуай Занг жуфтлиги устидан 6/2, 6/3 ҳисобида зафар кучишди.

Ф. АЗИЗОВ.

Баҳмал тумани ички ишлар бўлими ходимларининг жанговар хизмат тайёргарлиги ҳамда жисмоний тарбия машғулоти мунтазам ўтказилишига жиддий эътибор берилмоқда. Бунинг учун эса туман ИИБ маъмурий биносида барча шарт-шароитлар яратилган. Катта спорт зали ҳамда спорт майдони ходимлар ихтиёрида.

СПОРТ — ЖАНГОВАР
ТАЙЁРГАРЛИК АСОСИ

— Ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари ходимларимиз спорт йуриқчиси раҳбарлигида жисмоний тарбия машғулоти билан шуғулланишди, — дейди туман ИИБ бошлиғи ўринбосари, майор Анвар Мусурмонов. — Спорт залимизда қўл жанги ва футбол тўғараги фаолият кўрсатмоқда. Ёш динамочиларимиз ҳам тўғарақларда мунтазам равишда шуғулланишмоқда. Бундан ташқари жойлардаги милиция таянч пунктларида спорт тўғарақлари ва майдончалар ташкил этишга ҳам эътибор бермоқдамиз. Чунки ички ишлар ходими соғлом ва бақувват бўлсагина ишда самарадорлик бўлади.

Туман ИИБда спортга бўлган эътиборни ходимларнинг вилоят биринчилиги мусобақаларида мунтазам равишда муносиб ўринларни эгаллаб келаётганликларидан билиш мумкин. Яқинда бўлиб ўтган футбол мусобақасида жамоа 3-ўринни, волейбол бўйича беллашувда эса 2-ўринни эгаллашди.

Б. БЕГИМКҮЛОВ,
капитан

КАРАТЭ

ЁШ КАРАТЭЧИЛАР
БЕЛЛАШУВИ

«Жар» спорт соғломлаштириш мажмуида каратэ бўйича болалар ва ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон кубоги мусобақалари бўлиб ўтди.

Уч кун давом этган қизғин ва муросасиз баҳсларда республикамизнинг барча вилоятларидан ташриф буюрган 1200 нафар ёш каратэчилар ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Бу йилги мусобақаларга сезиларли ўзгартиришлар киритилган. Авваллари ҳар бир клуб ўз номи билан иштирок этарди. Эндиликда ҳар бир вилоят яхлит бир жамоа бўлиб қатнашапти.

Қолаверса, мазкур йилдан эътиборан голиб чиққан жамоа қимматбаҳо кубокни қўлга киритади. Баҳслар икки хил ката ва кумите кўринишида бўлиб ўтди. Шарқ яққаурашлари ичида каратэнинг юртимизда жадал ривожланиб бораётганлиги қувонарли ҳолдир.

Болаларнинг айтишича каратэ ўзига хос ва жозибадор спорт тури бўлиб, бунда ҳаракатлар нозик, чаққон ва жуда чиройлидир.

Галаба қозониб, мукофотларни қўлга киритгач, жароҳатлар ҳамда тинимсиз равишда олиб борилган машғулотлар ҳам эслан чиқиб кетади.

Яқини натижаларга кўра, умумжамоа ҳисобида Қашқадарё вилояти жамоаси биринчи ўринни қўлга киритди. Тошкент шаҳри иккинчи, Андижон вилояти жамоаси учинчи ўринни банд этди.

Отабек ЭЛТОЕВ.

ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

ОФКнинг Куала — Лумпур шаҳридаги қароргоҳида 1-15 декабрь кунлари Қатар пойтахти Дохада бўлиб ўтадиган навбатдаги Осиё ўйинларидан ўрин олган футбол мусобақасига қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди. Мазкур мусобақада бу йил жами 30 терма жамоа иштирок этиши маълум бўлиб, асосий босқичда 24 жамоа иштирок этиши керак. Қуръа натижаларига кўра терма жамоамиз майдон эгалари Қатар ҳамда Осиёда ўзига хос футбол мактабига эга БАА билан бир гуруҳдан жой олди. Гуруҳдаги тўртинчи жамоа Иордания, Тожикистон, Қирғизистон ва Макаога жой олган биринчи гуруҳ голиби бўлади.

Биринчи босқич А гуруҳи:

Иордания, Тожикистон, Қирғизистон ва Макао

Биринчи босқич Б гуруҳи:

Сингапур, Сурия, Индонезия ва Ироқ. Асосий босқич:

«А» гуруҳи

Қатар, БАА, Ўзбекистон ва биринчи босқич А гуруҳи голиби:

«В» гуруҳи

Жанубий Корея, Баҳрайн, Вьетнам, Бангладеш:

«С» гуруҳи

Таиланд, Қувайт, Яман, Фаластин:

«Д» гуруҳи

Эрон, Ҳиндистон, Гонгконг, Мальдив:

«Е» гуруҳи

Хитой, Уммон, Малайзия ва биринчи босқич Б гуруҳи голиби:

«Ғ» гуруҳи

Япония, Шимолий Корея, Туркменистон, Фаластин:

Мусобақаларда 23 ёшдан катта бўлмаган футболчилар иштирок этади.

ОСИЁ КУБОГИ — 2007
САРАЛАШ БАҲСЛАРИ

Осиё Кубоги — 2007 саралаш баҳсларининг 4-тур учрашувлари бўлиб ўтди. Ушбу турдан сўнг финал босқичи йўлланмасини қўлга киритган дастлабки 6 жамоанинг номи маълум бўлди: Саудия Арабистони, Япония, Жанубий Корея, БАА, Австралия ва Қатар.

«А» гуруҳи

Яман-Япония — 0:1 (0:0)

Сауд. Арабистони-Ҳиндистон — 7:1

«В» гуруҳи

Жан. Корея-Тайвань — 8:0 (4:0)

Сурия — Эрон-0:2 (0:1)

«С» гуруҳи

БАА-Иордания — 0:0

Оман-Покистон — 5:0

«Д» гуруҳи

Қувайт-Австралия — 2:0 (0:0)

«Е» гуруҳи

Сингапур-Хитой — 0:0

Ироқ-Фаластин — 2:2 (0:1)

«Ғ» гуруҳи

Гонгконг-Ўзбекистон — 0:0

Қатар-Бангладеш — 3:0 (0:0)

Футбол бўйича мамлакат 15-миллий чемпионати олий лигаси жамоалари 23-тур учрашувларини ўтказдилар.

ПЕШҚАДАМЛАР
ҒАЛАБАСИ

Чемпионат пешқадами пойтахтнинг «Пахтакор» жамоаси ўз уйида «Андижон-ЎздЭУавто»ни қабул қилди. Учрашувнинг дастлабки дақиқалариданоқ пахтакорчилар майдон марказини эгаллашга интилишди. Андижонликлар эса тўп узатишда кўплаб хатоларга йўл қўйишди.

Пахтакорчилар рақиб ярим ҳимоячилари ва ҳимоячиларини хатоларидан унумли фойдаландилар. Уюштирилган тинимсиз ҳужумлар оқибатида биринчи бўлим ўртасига келиб майдон эгалари ташаббусни ўз қўлига олди.

Кетма-кет ҳужумлар меҳмонларни анча шошириб қўйди. Шундай қилиб, пахтакорчилар йирик 6:1 ҳисобида галаба қозонишди.

«Машғал» ўз уйида «Нефтчи»ни қабул қилиб зўр-базўр 1:0 ҳисобида галабага эришган бўлса, «Насаф» жамоаси «Сўғдиёна» дарвозасини тўрт маротаба аниқ нишонга олиб навбатдаги зафарли юришини нишонлади.

«Навбахор» ўз уйида «Металлург» билан тўп суриб қийинчилик билан 2:1 ҳисобида галаба қозонди.

Турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди:

«Хоразм» — «Тупаланг» — 0:4

«Қизилқум» — «Локомотив» — 1:0

«Самарқанд-Динамо» — «Шўртан» — 4:1

«Бухоро» — «Трактор» — 0:3

Отабек ЭЛТОЕВ.

КИСКА САТРАЛДАРДА

Тожикистон терма жамоаси собиқ аъзоси Рашид Раҳимов Россия биринчи лигаси вакили Пермнинг «Амкар» жамоаси бош мураббийи этиб тайинланди.

Эрон терма жамоаси сафида ЖЧ — 2006 да иштирок этган «Абу Муслим» жамоасининг 23 ёшли ярим ҳимоячиси Андраник Теймурян «Болтон» клуби билан икки йиллик шартномага имзо чекди. «Болтон» вакиллари футболчига Жаҳон чемпионати пайтида кизиқиб қолган экан.

«Скуадра Адзурра» ярим ҳимоячиси Андреа Пирло «Милан» билан шартнома муддатини 2011 йилнинг июлига қадар узайтирди.

БАРЧАСИ ФУТБОЛ ҲАҚИДА

ОТАНИНГ ИЛХАК КЎЗЛАРИ

БИРИНЧИ ВОҚЕА

86 ёшни қаршилаган Хусан ота одатдагидай туни бедор ўтказди. Негадир анчадан бери ухламайдиган, тўғрироғи ухломмайдиган бўлиб қолди. Қарилик-да, деб қўяди у ўзича.

Мана, тонг ҳам бўзариб келмоқда. Ора-сира узоқлардан хўрозларнинг бирин-кетин қичқираётгани эшитилапти. Хусан ота ҳовлига чиқди. Таҳорат олиш учун ҳовлининг бир чеккасида гўё ёлғизликдан мунғайиб қолган одамдай ҳорғин турган сада томон юрди. Аммо дарахтга чамаси беш, ўн метрлар етмай тошдай қотиб қолди. У кўзларига ишонмасди. Негаки дарахт тагида кампир Шодия ая худди тириклигидаги каби майин жилмайиб турар, эгнидаги оппоқ кийимлар уни янаям аниқ кўрсатарди. У чолига гамгин ва маъюс тикилиб турарди. Ўзига келган Хусан бобо бу ҳодиса тушими, ҳушими эканлигини билолмас, аниқ идрок қилолмасди.

Номозини ўқиб бўлгач, жойидан секин кўзгалар экан яна айвонда шарпа юргандай туюлди. «Тавба, менга нима бўлапти ўзи, оламдан ўтганига анча йил бўлган Шодия нега кўзимга кўринапти... Э худо, болаларим тинчмикан ишқилиб, ҳа-я, уларни кўрмаганимга анча вақт бўлди. Ишқилиб соғомонмикан?», — дея ўйларкан, унинг ҳолидан хабар олишни нутиб қўйган ўғилларидан кўнгли оғриб, томоғига нимадир тикилди. Кўзларига ўз-ўзидан ёш қуюлиб келаверди. Серажин юзига оқиб тушаётган кўз ёшларини яқтагининг энги билан артар экан, кўча тарафдаги ёғоч дарвозанинг гийқиллаб очилгани, сўнгра кўшниси Тоштемирнинг ўғли Шерзод итга нималардир деб гапириб келаятгани эшитилди. Хусан ота шоша-пиша юзини артди. Ҳассасига суяниб айвонга чиқди. Кўлида буғи чиқиб турган бир коса овқат, нон ва бошқа егуликлар кўтариб олган бола салом берди. Йўлбарс ҳам тўё Шерзоднинг келганидан қувонгандек ўйноқлаб унга эргашар, оёқларига суйкалиб, ғингширди. Шерзод Хусан отага нонушта тайёрлаб, ўзи ҳам дастурхон олдиға ўтирди. Нонушта сўнгида узундан-узоқ дуо ўқиб пичирлаётган отанинг нечукдир синиқ овози, гамгин юзини кўриб, галати бўлиб кетди. Дастурхонни йиғиштириб олар экан, ҳар кун уни алқаб, «болам, бўтам» деб эркалайдиган Хусан


ота ўзгариб, хаёлчан бўлиб қолганига таажубланди. Сўнгра уни интиқ бўлиб кутиб турган Йўлбарсга овқат бергани омборхона томон юрди...

Тушдан сўнг Хусан отанинг қўл-оёғи увишиб, боши айлана бошлади. Тоби қочиб, чорпо-ядаги кўрпачага ёнбошлади. Ҳовли, уйларни супуриб-сидириб юрган Жамила (Тоштемирнинг хотини) даставвал ота чарчаб, дам олаётган диллар, деб ўйлади. Кейин тоби қочиб, ҳеч нарса емаганини кўриб, кўрқиб кетди. Чунки шу пайтгача, яъни кампирнинг вафотидан сўнгги ўтган йиллар давомида уни биринчи марта шундай ҳолда кўриши эди. Кўнгли ноҳуш бир ҳолатни сезгандай типирчилаб қолди.

Шерзодни дадасини қақриб келишга юборди. Кўни-кўшнилар йиғилиб келишди. Улар маслаҳатлашиб, Хусан отанинг ўғилларини тезда қақриш керак дейишди. Ота эса хира кўзларини зўрға очар, атрофидаги одамлар орасидан кимнидир илҳақ излар, дарвозага илинж билан қараб ётарди. Аммо сўз айтишга мажолу келмасди.

Югуриб кириб келган Тоштемир отанинг ёнига ўтирди. Титроқ кўллари-ни кафтига олар экан, ўзига миннатдорчилик, яна аллақандай ўтинч билан қараётганини кўриб:

— Ота, Қодир билан Собирга телефон қилдим. Ҳозир улар ҳам келиб қолишади, деди. Аммо айтган гапларига, Қодир билан Собир ҳозир етиб келишига ўзи ҳам ишонмасди. Шунга қарамай сўниб бораётган нигоҳи



билан ўғилларини излаётган Хусан отага таскин беришни истарди. Афсуски, кечки соат ўнларда Хусан ота Тоштемирга суянганча нурсиз кўзларини юмди...

Бутун маҳалла аҳли эртанги кунга тайёргарлик кўриб, туни билан тиним билмади. Тонг ёришиб қолганда эса дарвоза олдиға келиб тўхтаган зангори «Нексия»дан Қодир, Собир ва яна иккита серсавлат киши тушди. Аммо ҳовли тўла одамдан бирортаси уларга пешвоз чиқмади.

Белини боелаб, дўппи кийиб олган Тоштемир ўзи томон келаётган синфдош дўсти Собирни кўриб, йиллаб отасини кўришга келмаган ўғилдан нафратланиб кетди.

Тушга яқин Хусан отани сўнгги манзилга кузатишди. Жамила маҳалладошлар елкасида кўлдан кўлга ўтиб, лопилаб бораётган тобутнинг ортидан қараб қолар экан ўғлини бағрига босди. Кўздан тирқираб оқаётган ёшлар билан ҳўл бўлган юзини Шерзоднинг юзига босар экан, унинг қулоғига «Хусан отанинг бойвачча ўғилларидек меҳрсиз, оқибатсиз бўлмагин», дея шивирлади...

Умида БОЛЛИЕВА.

ИККИНЧИ ВОҚЕА

укам...

— Эй, галварс, нималар деб вайсаялсан ўзи? Оғзидан ароқ ҳиди гупириб турган ота Анварни туртиб, ичкарига кирди.

— Қани аҳмоқ онанг? — деб ўшқирди ўғлига. — Сендан сўраяпман, ахир менга пул керак, эшитялсанми, қани онанг?

— Ойимлар касалхонадалар. Акбар оғир ётибди, борасизми?

— Мен-а? Мен бориб аҳмоқ онанг билан укангни кўраманми? Укангнинг ҳар доимги касали-да, яхши бўлиб кетади. Лекин онанг мен билан бахтли яшашни истамади. Ана энди отасиз қандай кун кечираркансанлар.

Орадан бир неча кун ўтгач Акбарнинг аҳволи янада оғирлашди. Шифокорлар ҳар қанча уринмасинлар боланинг юраги хасталик билан кураша олмади. Уни охириги йўлга кузатишди. Акбарнинг оламдан ўтганини билган бемехр ота ўз пуштикамаридан бўлган фарзанди билан видолашишга ҳам келмади.

Ҳеч қанча вақт ўтма, Ақром бошқа бир энгил табиатли аёлга уйланди. Аввалига ҳаёти ўзи хоҳлагандек кечди. Орадан йиллар ўтди, аммо фарзандли бўлишмади. Бунинг устига соғлиғи ҳам ёмонлашиб борарди. Айшу ишратта берилган, энгил-елни ҳаётга ўрғаниб қолган хотини уни уйдан қувиб солди.

— Сендай аҳмоқ, кўлидан ҳеч нарса келмайдиган, бунинг устига касалманд эр билан яшашни хоҳламайман, кўзимга кўринма», — деди. Ақром нима desa хотини ҳар бир сўзини қайириб ташларди. Охири уйдан бош олиб чи-

қиб кетишга мажбур бўлди. Кўча-кўйда, таниш-билишларнинг уйида яшаб юрган Ақромнинг чўнтағида пули ҳам қолмади. Бирор ерда ишлай деса, соғлиғи кўтармайди. Кўчада тиланчилик қилай деса, юзи чидамасди. Дори-дармон учун ҳам пул керак. Охири йўлақларда ўтириб тиланчилик қила бошлади. Топган-тутгани зўрға кунлик овқатига етарди. Бир кун қўшниси Ақромни кўриб қолиб, оқизмай-томизмай Ҳабибага етказди.

Бу воқеадан хабар топган Ҳабиба ўғлига:

— Болам, отангнинг қилмишлари ва укангнинг ўлимидан сўнг қалдим буқилди, юзларимга ажин, сочларимга оқ оралади. Лекин шундай бўлса-да, кўча-кўйда бундай юриши бизга иснод. Уни излаб топгин, қўлингдан келганча мурувват кўрсат, қам бўлмайсан, — дея насиҳат қилди.

Анвар отасини излаб, кўшни айтган жойга борди. Лекин у ердан тополмади. Бир неча кун шаҳарнинг серқатнов жойларини кезди. Излай-излай умидсизликка тушган бир пайтда эшикка ўрнатилган почта кутисидан турган мактубга кўзи тушди. Олиб ўқиди. Отаси қариялар уйдан ёзган экан. Кўзи ожиз бўлиб қолибди. Анвар отасининг ёнига қариялар уйига шояшди.

— Болажоним, мен Аллоҳнинг қаҳрига учраганман. Сизларни қон йиғлатганман. Онанг соғми? Мендек бемехр отангиздан рози бўлинглар...

Бу тавбасига таянган отанинг сўнгги сўзлари эди.

Баҳодир МУҲСИМОВ.

МАСТЛИКДАГИ ҚОТИЛЛИК

— Ўша кун Беруний шаҳри одатдагидек тинч, осуда эди. Ҳар ким ўз юмуш-ташвиши билан овора. Баҳром Очиловнинг эса қувончи чексиз. Уни ота бўлгани билан қутлаб улфатлари йиғилишди. Табиийки, дастурхонга ноз-неъматлар билан биргаликда спиртли ичимлик ҳам кўйилди. Чақалоқ, оила шаънига тилақлар билдирилган қадаҳларнинг кети узилмайди. Ичкилик кўпайиб кетгач ўз кучини кўрсата бошлади. Бир оздан сўнг улфатлар бир-бирларини

куракда турмайдиган сўзлар билан ҳақорат қила бошлашди. Дастлаб Баҳодир Арслонни сўкиб, жанжал чиқарди. Қадамбой уни тинчлантормоқчи бўлганда сен аралашма, деб бўш шиша билан уриб, ташқарига чиқиб кетди. «Ҳисоб-китоб»ни охиригача етказиб қўйиш истагида уларни кўча бошида кутиб турди. Баҳодир Арслонни дўппосламоқчи эди. У жуфтакни ростлаб қолди ва Қадамбойнинг укаси Рустамнинг олдиға бориб, ёрдам сўради. Шу

пайт воқеа жойига етиб келган Рустам болға билан Баҳодирнинг бошига урди. Худди шундай зарбани улфатлардан бири Умрбек ҳам татиб кўрди. Баҳодир қаршилик кўрсатмоқчи бўлганда Рустам яна болға билан рақибининг бошига кетма-кет туширди. Оғир жароҳат олган Баҳодир касалхонада икки кун ётиб, бу ёруғ оламдан кўз юмди.

Жиноий ишлар бўйича Қорақал-

поғистон Республикаси Олий суди икки кишига тан жароҳати етказган, биринсоннинг умрига зомин бўлган Рустам Жуманиёзовни ўн йил муддатга озодликдан маҳрум этди.

Дурдибой ХУДОЙШУКУРОВ.



Қачонлардир хом гишт текис терилиб, чиройли оқланган, хозир эса ёмғир-қорлар таъсири остида сувоқлари, лойлари ювилиб, қайсидир жойлари тўкилиб, қийшайиб кетган деворни кўз олдингизга келтиринг. Қачонлардир яхши ниятда ўрнатилган катта дарвозанинг бўёқлари аллақачон ўчиб кетган, ҳар йилги ёмғир сувлари темир зангини бўй баравар ювиб, чаплагани чаплаган. Дарвоза ҳасса таянган бемор мисоли икки четки устунига базўр осилиб турибди. Дарвоза ҳатлаб ичкари мўраласангиз, ҳамма ёқни ўт-ўлан босиб ётганининг гувоҳи бўласиз. Бир оз турсангиз оёқларингизга чирмовуқ ўралайди. Ҳар шўраки, поялари йўғон-йўғон, илдизи бакуват. Ҳовли бўйлаб ястаниб ётган ажриқлар ҳақида-ку гапирмаса ҳам бўлади. Дереза ойналари ямоқ-ямоқ, айрим кўзлари целлофан билан ёпилган бўлса, айримларига фанер бўлаклари қоқиб ташланган. Уй деворларининг сувоқлари тўкилган, аянчли бир аҳволда. Бу манзарани кўрган одамнинг ичкарига бош суқишга юраги бетламаслиги тайин. Билмаганлар-ку мазкур хонадонга тахминан ўн беш йиллардан буён бирон зоғ қадам босмаган, деб ўйлаши табиий. Аслида-чи? Аслида қандай?

Тоҳир билан Асалхон севиб турмуш қуришмади. Бироқ жуда аҳил ва бахтли яшай бошлашди. Эр умр йўлдошини ҳеч қачон ишлашмади. Бир-биридан ширин-шакар уч фарзандли бўлишганда, рўзгор юки оғирлик қилдими, хотинини ёнгинасидаги дўконга қоровул қилиб ишга жойлаштириб қўйди. Ҳар ҳолда пенсияга чиқишда фойдаси тегади, дея кексалигини таъминлаган бўлди. Ҳолбуки, Асалхон фақат қоғоздагина қоровул бўлиб, Тоҳир кунора бир тунда хабар олиб қўярди, холос. Давлат мулкини мижжа қоқмай қўриқлаб чиқадиган аҳмоқ борми? У пайтлар қоп-қоп унлар, бочка-бочка пахта ёғлари ва бошқа маҳсулотлар очик ҳолда кўчада турарди.

Болаларнинг каттаси Баҳодир ўн бешга, Йўлдош ўн бир, Моҳлар саккиз ёшга кирганда, оила бошига кутилмаганда кулфат тушди. Дўконга ўғри оралади. Аксига олиб ўша кунни уйда эр-хотин йўқ эди. Қоровулни айблашди. Қоровул ким? Тоҳирнинг хотини. Тоҳир қандай қилиб ўз жуфти-ҳалоли, уч боласининг онасини қаматади? Дўконга қоровул бўлиш фикри Тоҳирдан чиқмаса, хотинининг етти ухлаб тушига кирганмиди? Болаларнинг аҳволи не кечади? У нима деган одам бўлади энди? Ахир унинг Асалхонни уйдан, рўзгордан бошқа нарсага мослашмаган-ку! Терговчилар эса хотинининг айби учун эр жазоланмайди, дейишяпти. Унинг аҳволини ҳеч ким тушунгани йўқ. Қай эшикка бошини урсин энди у. Тоҳир ўзини минг ҳар ёнга урмасин хотини барибир қамалди. Кўзла ёш, минг бир армонлар билан панжара ортига равона бўлди.

Тоҳир қаттиқ тушқунликка тушди. Уйдан файз, рўзгордан барака кўтарилди. Болалар-чи?



Болалар, айниқса, вояга етмаётган, қалбида илк севги куртаклари гунча очаетган, дунёга ана шу муҳаббат нури билан қараётган Баҳодир руҳан эзилаётганди. Бу воқеа ҳаётларини, осуда, бахтли кунлари, ўзларини ўзгартириб юборгани каби, кўни-кўшни, ўртоқлари, ўқитувчиларнинг муносабатларидаги илтиқат йўқолганди гуё. Ҳар ҳолда Баҳодирга шундай туюла бошлади. Назаридега атрофдагилар “Ўғрининг боласи ўғри бўлади-да” дея ҳукм чиқариб қўйишгандек. Булардан сиқилган ўсмир отасидан яшириб сигарет чека бошлади. Бир кун танаффус пайтида тенгқурлари ул-бул еб олиш учун ошхонага кетишди. Ўртоқларидан ажралиб қолганини сезган Баҳодирга бу жуда қаттиқ таъсир қилди. Коридорда келаркан, беихтиёр эшиги очик турган кимё хонасига мўралади.

Стул устида ўқитувчининг сумкаси турарди. У ерга қандай боргани, ҳамёндан пул олганини эслай олмайди. Шу-шу мактабда ўғри пайдо бўлибди, деган гап тарқалди. Бола-да, кўза кунда эмас, кунда синишини қаёқдан билсин. Кунларнинг бирида Баҳодир тенгдошлари пальтосининг чўнтақларини титкилаётган пайтда қўлга тушди. Бўлиб ўтган воқеадан сўнг мактабга боришга, тенгқурлари, устозлари кўзига қарашга юраги дов бермади. Виждон азобидан кутулиш учун мактабни йиғиштириб қўя қолди. Энди у ҳудабехуда кўча санқир, ёши кичик болаларнинг чўнтагини қоқиштирарди. Бекорчи юрган келаридега ўзига ўхшаш “дўстлар, акалар” орттирди.

— Биз билан оч қолмайсан, — дейишарди улар унинг руҳини кўтариб. — Қўл-оёғинг чаққон,

гапга қирадиган, укувли бўлсанг ҳеч нарсага зориқмайсан. Мабодо бирон жойда «ҳиди» чиқса сени ёлғизлатиб қўймаймиз. Бизда фирромлик йўқ.

Ўсмир пуштипаноҳ топганига севинди, уларга ишонди. Аввалига югурдаклик қилди. Ёш болага ким ҳам аҳамият берарди, айниқса, папка кўтариб олган бўлса...

Унинг мактабга бормаётганидан хабар топган ота бақирди чақирди, ахийри амаллаб қўлига бир парча ҳужжатни олиб берди. Аммо у ўшанда ҳам, кейин ҳам ҳаёти давомида унга керак бўлмади.

Пахта заводидаги сменали, оғир иш Тоҳирнинг тинкасини қуритарди. Пахта титилганда чиқаетган чанг-тўзон, завод

Баҳодир, ўмарилган молларни уйга олиб келарди. Чиройли, бежирим, жимжимадор, ялтпроқ нарсалар укаси Йўлдош, синглиси Моҳларни эътиборини тортарди. Акаси уларга ота ўрнида ота, она ўрнида онадек гап эди. Шу боисми, укаларига тез-тез пулулашарди.

— Ма, ол! Мактабда бирон нарса олиб ерсан. Ўртоқларинг еганда, қараб турмагин, — дерди у меҳрибонлик билан.

Онасининг қамокдан қайтишига бир ярим, — икки йил қолганда Баҳодирни ички ишлар ходимлари олиб кетишди. Тингув вақтида уйдан ўғирлик моллари топилиди. Вояга етгани боис уни суд қилишди.

Ҳам хогинидан, ҳам ўғилдан қуйган ота батамом ўзини олдириб қўйди. Ёлғиз умиди кенжаси Йўлдош ва кизи Моҳлардан эди.

Олаётган ногиронлик нафақаси, томорқадан топаётгани, қариндош-уруғларнинг ёрдами билан иккисини боқа бошлади. Она ҳам оила бағрига қайтди. Афсуски, бу билан аҳвол ўзгармади. Асалхон у ёқдан жуда ўзгариб, аламзада, қаҳрли, жиззакчи, дардман бир алфозда қайтганди. Уйдаги қашшоқлик, йўқчилик, ўелининг ноқобиллигидан баттар жазавага тушди. Тоҳир ҳам бу вақтда келиб жуда ўзгариб аламини ичкиликдан ола бошлади. Аммо бу кўнга бормасди. Қиш кунларининг бирида ғирт маст ота дарвозадан ошиб тушаман, деб осилиб қолди. Тонгда унинг музлаб қолган жасадини топишди.

Баҳодир жазо муддатини ўтаб қайтганида Йўлдош институтни, Моҳлар эса тиббиёт билим юртини битираётганди. Унинг қайтиши аввал ҳаммани қувонтирган бўлса, вақт ўтиб ташвишга

содди. Онасининг қистовига қарамай, Баҳодир уйланишини истамасди. Йўлдош уйланиб, шаҳардан уй олиб чиқиб кетди. Моҳлар ҳам турмушга чиқиб, ўз бахтини топди. Акасининг гиёҳвандликка ружу қўйганини билган Йўлдош уни даволатишга кўп уринди. Аммо Баҳодирнинг бу балодан қутулишга иродаси етмади. Уйдаги бор бисотини сотиб, хуморини қондиришга ҳаракат қилди. Салб-ҳаракатлари зое кетган Йўлдош онасини ўз уйига олиб кетди.

Эртаси кунни ҳаммани ўздан бездирган, ҳаётдан баҳра олиш бахтидан мосуво бўлган, вайрона хонадон бўйлаб эмаклаганча гиёҳвандлик моддаси излаётган Баҳодир ўлим остонасини ҳатлаб ичкарига кирганини сезмасди...

Муҳаббат ИБРАГИМОВА.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

Транспорт ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби ППХ ва ЖТСБ бошлиғи, подполковник М. Курбоновга опаси **Ойниса ҚОДИРҚУЛОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Хоразм вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби вилоят ИИБ ЖК ва ТҚҚБ катта тезкор вакили, майор **Исмоил ҲУСИНОВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этадилар.

Сурхондарё вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби бошқарма назорат ва тафтиш инспекциясининг катта тафтишчиси, майор Р. Ҳўжамуродовга онаси **Озода АЪЗАМОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Республика ИИБ Ҳуқуқий таъминлаш ва ОАВБАҚ бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби истеъфодаги майор **Асқар ХОЛОВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Тошкент шаҳар Яккасарой тумани ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби ЖК ва УЖҚКБ тезкор вакили, катта лейтенант Мирзо Улуғбек Мустафо ўлиги падали бузруквор **Мустафо ҚОДИРОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

МАРҲУМЛАРНИНГ ЯҚИНЛАРИГА АЛЛОХ САБР БЕРСИН



Муборак моҳи рамазон арафасида фарзандларимизга бахт-иқбол, кексаларимизга саломатлик, юртимиз осойишталик посбонларига мустаҳкам ирода ва куч-қувват ҳамиша ёр бўлсин!

ҲАДИС НАМУНАЛАРИДАН

Яхшиликка далолат қилувчи билан уни бажарувчининг савоби тенгдир.

Хатнинг жавобини қайтариш — гўё саломга алик олишлик каби зарурдир.

Тангри раҳмдил бандаларга меҳрибондир. Сизлар ер юзидаги одамларга меҳрибон бўлинглар, сизларга улуғ Тангри меҳрибон бўлур.

Топгги уйқу ризқни қисқартиради.

Ўлиб кетганларни ҳақорат қилувчи одам ҳалокатга яқиндир.

Мўмин кишини ҳақоратловчи одамнинг ўзи ҳалокатга учрайди.

Одамларнинг ёмони — Тангри номини ўртага қўйиб бирор нарса сўралса ҳам бермайдиган кишидир.

Кишидаги энг ёмон хислат — ўта бахиллик ва қўрқоқликдир.

Қариндошларга муруват қилиш, хушхулқлик ва яхши қўшничилик — юртни обод ва умрни зиёда этади.

Тилини тузатган кишига Тангрининг раҳмати бўлсин.

Отага итоат қилиш — Тангрига итоат қилишдир. Унинг олдида гуноҳкор бўлиш Тангри олдида гуноҳкор бўлиш билан баробардир.

Сахий кишининг таоми шифодир, бахил одамнинг таоми эса касалликдир.

Ёлгон гувоҳлик берувчининг оёқлари ердан қўзғалмай туриб, Тангри унга дўзахни раво қилиб қўяди.

Газетамизнинг азиз мухлислари!

Газетамизнинг янада мазмунли ва ранг-баранг чиқишида сизнинг фикрларингизни биланни аниқлашимиз. Таклифларингиз бўлса, марҳамат, бизга кўнгироқ қилинг!



Ҳафтанинг шанба ва якшанба кунлари эса қўйидаги телефон орқали мурожаат қилишингиз мумкин:

(371) 139-70-40

Телефон: (371) 139-73-88


Соат 9.00дан 21.00гача

Газетамиз саҳифаларида реклама ёки эълон беришни истайсизми? Марҳамат!

Мурожаат
учун телефонлар:

139-73-88
139-75-37

Бизнинг электрон манзилимиз: urmvd@globalnet.uz



КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

ҚАЛЬ ТУҒЕНИ

ШУҲРАТ ХУШМУРОДОВ

ЁДДА
ҚОЛГАН
ЛАҲЗАЛАР



Ички ишлар идораларида талантли, ижод билан шуғулланадиган, аиникса шеърятга қизиқиб, қалам тебратадиган ходимлар борлиги дилни қувонтиради. Уларнинг ижодларидан намуналар газета ва журналларда чоп этилиши, илҳомига илҳом қўшиб, яна изланишга, шеърят боғида кезишга ундайди.

Шеърят шайдоларидан бири Сирдарё вилояти ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими бошлигининг ўринбосари, майор Шўҳрат Хушмуродовдир. Азим Сирдарё бўйларида болалиги ўтган бу йигит қалб туғенлари, дил кечинмаларини шеърларида акс эттиришга ҳаракат қилиб, қалам тебратаетганига кўп бўлмади. Ўзи айтганидай шеър машқлари «Postda» газетасида, «Qalqon» журналида, вилоятнинг «Ойдин йўл», «Сирдарё ҳақиқати» газеталарида босилган.

Шўҳрат Хушмуродов ёзган шеърларини яқинда «Ёлда қолган лаҳзалар» номи билан тўплам қилиб нашр эттирди. Мухлислар унда қалам-

кашнинг Ватан, табиат, оналар, севги, болажонлар ҳақидаги ва бошқа мавзуларда ёзган шеърларини ўқишлари мумкин.

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

Бosh муharrir
Aziz ERNAZAROV

Бosh муharrir o'rinbosari
Ulug'bek MAMADALIYEV
Mas'ul kotib Erkin SATTOROV

Navbatchi: Furqat Xolliqulov
Sahifalovchilar: Nikita Slavgorodskiy
Matn ko'chiruvchi: Go'zal Jafarova

Ko'chirib bosishda «Postda» dan olinganligini ko'rsatish shart. Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin. Maqolada keltirilgan misollar, raqamlar, ma'lumotlarning aniqligi uchun mualliflar javobgardirlar. Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Gazeta haftaning
shanba kunlari chiqadi.

Kelgusi sonda
uchrashguncha xayrl

MANZILIMIZ:
700029, Toshkent,
Yunus Rajabiy
ko'chasi, 1

TELEFONLAR:
Bosh muharrir o'rinbosari 132-24-60;
Kotibiyat 139-73-88. Faks 132-05-51
E-mail: urmvd@globalnet.uz

Tahririyat hisob raqami
20210000700447980001, MFO
00421. «Ipak yo'li» aksiyadorlik
investitsiyaviy tijorat bankining
Mirzo Ulug'bek bo'limi.

«O'zbekiston» nashriyot-
matbaa ijodiy uyi
bosmaxonasida chop etildi.
Korxonaning manzili: Alisher
Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2003 yil 24 noyabrda 007 raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma J-2818. Bosish - ofset usulida. Hajmi - 6 bosma taboq. 55100 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda - 180. Tashkilotlar uchun - 366. Bosishga topshirish vaqti - 23.00. Bosishga topshirildi - 23.00. Internet va xorijiy matbuot vositalari asosida tayyorlandi.